БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 247 (16.633). | 21 октябрь 1976 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини, ўнинчи беш йилликнинг улуғвор программасини амалга оширишуучун курашингиз!

Коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар сари, олға!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

БУТУН КУЧ—ЙИҒИМ-ТЕРИМГА!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ «ИЖОДКОР ЕШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

КПСС XXV съезди, дейилади қарорда, совет санъаткор зиёлиларининг, шу жумладан ёш санъаткорларнинг ижодий активлиги ошганлигини таъкидлади. Кейинги йилларда ёш адиблар, рассомлар, композиторларнинг, театр, кино ва телевидение ходимларининг кучлари билан яратилган асарлар жамоатчиликка манзур бўлди. Ижодкор ёшлар ҳозирги замон проблемаларига жуда қизиқиб қарамоқдалар, мураккаб бадиий вазифаларни ҳал этишга интилмоқдалар.

Партия ташкилотлари, комсомол, маданият органлари ва ижодий союзлар адабиёт ва санъатнинг ёш кадрлари билан ишлаш соҳасида ижобий тажрибага эга эканликлари қарорда қайд этилади. Ҳозирги вақтда қарор топган таълим ва тарбия системаси бадиий маданият соҳасига муносиб ўринбосарларнинг келишини асосан таъминлаб турибди.

Шу билан бирга коммунистик қурилишда адабиёт ва санъатнинг роли ошиб бораётганлиги, идеология иши соҳасида КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифалар партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг ижодкор ёшларга профессионал ва ғоявий-тарбия беришга эътиборни янада кучайтиришни талаб қилади.

Ёш адиблар, кинематографиячилар, рассомлар, композиторлар, артистлар билан ишлашда ҳамон жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Баъзи бадиий олий ўқув юртларида ва билим юртларида таълим-тарбия ишини яхшилаш, студентларда марксча-ленинча дунёқарашни актив шакллантириш, уларнинг профессионал маҳоратини чуқур ўзлаштириб олиши, Ватанимиз ва жаҳон маданияти тажрибасини ўрганиши учун зарур чоралар кўрилмаётир. Махсус предметлар ва ижтимоий фанларни ўқитишга маҳоратни ўргатиш билан бирга юксак ғоявий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялай оладиган, ёшларнинг ижтимоий активлигини кучайтирадиган, ижодкор ёшларнинг камол топишига кўмак бера оладиган юқори малакали педагоглар, фан ва маданият арбоблари етарли равишда жалб этилмаётир. Партия, комсомол ва жамоат ташкилотлари бадиий олий ўқув юртлари ҳамда билим юртларидаги таълим ва тарбия ишининг ўзига хос хусусиятини ҳамиша ҳам лозим даражада ҳисобга олаётганлари йўқ. Айрим ўқув юртларининг моддий базаси қониқарсиз аҳволда.

Қарорда шу нарса ўқтириб ўтиладики, ижодий союзлар ва маданият органлари, бадиий ўқув юртларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида, битирувчиларнинг профессионал жиҳатдан ўсиши ва уларни ишга жойлаштириш тўғрисида зарур ғамхўрлик қилмаётирлар, ҳозирги вақтда ёшларга аъзо бўлмаган ёшларга дуруст эътибор бермаётирлар. Ёш санъат ходимлари ижодий союзларнинг сайлаб қўйиладиган органларига, адабий — бадиий нашрларнинг редакцион коллегиялари, виставка комитетлари, бадиий кенгашларнинг составларига камдан-кам киритилмоқда.

Маданий қурилишда ёш санъаткор зиёлилар билан ишлашга жуда муҳим аҳамият бериб, КПСС Марказий Комитети КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXV съездидаги Ҳисобот докладида баён этилган қоидаларга амал қилиб, ижодкор ёшларни ғоявий ва профессионал жиҳатдан тарбиялашни янада яхшилаш тадбирлари системасини ишлаб чиқишни иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, КПСС ўлка ва область комитетларига, ВЛКСМ Марказий Комитетига тавсия этди.

Ёш санъаткорлар билан олиб бориладиган жамики иш уларга сезгирлик, ҳурмат билан қараши талабчанлик ва принципиаллик билан бирга қўшиб олиб бориш асосланиши лозим, деб таъкидланади қарорда. Ёшларнинг муаммолари ва эҳтиёжларини ўрганиш, уларнинг ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришларига ёрдам бериш, талантларни ижодий жиҳатдан истиқболли йўлдан камол топтириш лозим. Ёш санъаткор зиёлиларнинг ҳаёт билан алоқасини доимо мустаҳкамлаш ва хилма-хил қилиш, уларнинг ижтимоий активлигини ривожлантириш, ёшларга қизиқарли ишларни топшириш, уларни коммунистик идеаллар учун матонатли курашчилар қилиб тарбиялаш керак. Бадиий ўқув юртларининг ўқитувчи кадрларини танлаш ва ғоявий жиҳатдан ўстириш тўғрисида, уларнинг амалий иш ва педагоглик маҳоратини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилиш зарур.

Ижодий союзларнинг, коллективлар ҳамда ўқув юртларининг бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари фаолиятига раҳбарликни кучайтириш, ёш зиёлиларнинг энг яхши намояндаларини КПСС сафларига қабул қилиш практикасини такомиллаштириш лозим.

СССР Маданият министрлиги, СССР Кинематография давлат комитети, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети, СССР Ёзувчилар союзи, СССР Кинематографчилар союзи, СССР Композиторлар союзи, СССР Рассомлар союзи, театр жамиятлари, дейилади қарорда, ёшлар билан ишлашга, уларнинг профессионал ва ижтимоий фаолияти учун зарур шарт-шароитни яратишга алоҳида эътибор беришлари, ижодий союзларнинг сафларига истеъдодли ёшларнинг қўшилиб туриши тўғрисида ғамхўрлик қилишлари керак.

(Давоми иккинчи бетда).

Пойтахт областимиз заршунослари ҳануз пахта теримида нарвонбошилик қиляптилар. Колхозлар кетидан колхозлар, совхозлар кетидан совхозлар, районлар кетидан районлар зафар кучяптилар. Бу ғалаба механизация туфайли қўлга киритиляпти. Мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Урта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхози пахтапарварлари ҳам зафар кучганларига анча бўлди. 1405 гектар пахта майдонидан 28,8 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Ҳосилнинг деярли ҳаммаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Колхоз марди-майдонлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга аҳд қилишган. Ваъда — вафоси билан гўзал, дейди халқимиз. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун сўнгги ҳужумга ўтдилар. Ғоят юксак уюшқоқлик билан қўлни-қўлга бериб, меҳнат қилишяпти.

Суратда: илғор механизатор, пахта терими пешқадами коммунист Сирожиддин Дадабоев. Унинг шу кунгача терган пахтаси 250 тоннадан ошди.

Г. Пун ва Шамсиддинов фотолари. (ЎзТАГ).

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ЛЕНИН РАЙОНИ. Андижон областидаги Ленин районй меҳнат аҳли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съезди ва Узбекистон Компартиясининг XIX съезди белгилаб берган программани амалга ошириш учун курашиб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини шу йилнинг 16 октябрида 100,5 процент адо этди. Давлатга 38 минг 400 тонна «оқ олтин» армуғон этилди. Кўпгина бригадалар ҳосилдорликни гектар бошига 40-55 центнерга етказдилар. «Победа» колхозининг механик-ҳайдовчиси Г. Нуъмонов ва «Узбекистон» колхозидан Т. Жўраев ўртоқлар шу кунга қадар бункердан 250-350 тоннадан пахта бўшатишди.

«Правда Востока» колхозидан Х. Собирова, Ш. Маҳкамова, «Коммунизм» колхозидан Т. Расулова, «Победа» колхозидан З. Муллаева ўртоқларнинг ҳар бири ҳозиргача 12-15 тоннадан «оқ олтин» териб қўйди.

Район меҳнаткашлари пилла тайёрлаш йиллик планини 122,5 процент, дон тайёрлаш планини 175,3 процент, сабзавотни 115 процент, меванй — 108 процент, узумни — 135 процент, гўшт топшириш планини 100,2 процент, тухумни — 179,8 процент, жун топшириш планини 105 процент бажардилар.

Район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда яна 3608 тонна пахта топшириб, ялпи ҳосилни 42 минг тоннага етказишга аҳд-паймон қилдилар. Ушанда ҳар гектар майдондан қариб 40 центнердан хирмон кўтарилган бўлади.

Район меҳнаткашлари қолган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиштириб олиб, келгуси йил юқори ҳосилига пахта замин яратиш ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошмоқдалар ва чорва қишловига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

* * *

ҒУЗОР. Съездлар йилида юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилаётган Қашқадарё область Ғузор райони деҳқонлари муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Улар КПСС XXV съезди ва Узбекистон Компартияси XIX съезди тарихий қарорларини турмуша татбиқ этиш учун курашиб, давлатга пахта топшириш халқ хўжалиқ йиллик планини муддатидан илгари ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 32 минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли хом ашё етказиб берилди. Шунча ҳосилнинг 11 минг тоннаси «зангори кема»ларда йиғиштириб олинди. Район бўйича гектар бошига қариб 30 центнердан хирмон кўтарилди. Машина терими плани ҳам яқин кунлар ичида адо этилади.

Районнинг бу ғалабасига Карл Маркс номли, Ленин номли, Гагарин номли, «Халқобод», Охунбобоев номли колхозлар, Киров номли, Куйбишев номли совхозлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Ғузорликлар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга яна 8 минг тонна пахта сотишга ва ялпи ҳосилни 40 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

* * *

САРИОСИЁ районидаги «Коммунизм» колхози Сурхондарё областидаги йирик хўжаликлардан биридир. Колхоз меҳнат аҳли Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлигига таяниб, давлатга пахта топшириш йиллик планини 18 октябрда шараф билан адо этди. 3690 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38,5 центнердан пахта топширилди. Қабул пунктларига жами 14200 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Бу пахтанинг 8 минг тоннаси бункерлардан бўшатилди.

Колхоз деҳқонлари бу йил жами ҳосилни 16 минг тоннага етказиш учун Октябрьдаги социалистик мусобақасини ҳар қачонгидан авж олдириб юбордилар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

УЗБЕКИСТОН САНОАТЧИЛАРИ ЎН ОЙЛИК ПЛАННИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, Ўзбекистон саноат корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, маҳсулотни реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан олдин, 20 октябрда бажардилар.

Ой охиригача пландан ташқари минглаб тонна қора металлар прокати ишлаб чиқарилади, минглаб тонна нефть, кўмир қазиб олинади, кўп миқдорда химия ускуналари, тракторлар, кўрак чувиш машиналари, пахта териш машиналари, ички ва устки трикотаж ва кўплаб бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

* * *

Андижон области саноатининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ўн ойлик планини муддатидан аввал, 15 октябрда бажардилар. Ой охиригача қариб 31 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мўлжалланмоқда.

* * *

Наманган области саноат корхоналарининг ходимлари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун мусобақани авж олдириб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш юзасидан ўн ойлик планни муддатидан илгари, 15 октябрда бажардилар. Топшириққа қўшимча равишда 31 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотни реализация қилиш мўлжалланади.

* * *

Узбекистон пахта тозалаш саноати корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 59 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, маҳсулотни реализация қилиш ўн ойлик топшириғини муддатидан олдин, 20 октябрда бажардилар. Пахта тозаловчилар ой охиригача пландан ташқари 146,9 миллион сўмлик маҳсулот реализация этишга аҳд қилдилар.

* * *

Узбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги корхоналарининг меҳнатчилари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулотни реализация қилиш ўн ойлик программасини бажарганликлари тўғрисида 20 октябрь куни рапорт бердилар. Топшириққа қўшимча равишда 9,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

(ЎзТАГ).

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг борили тўғрисида шу йил 20 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада, тўртинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; бешинчи устун—шу жумладан машинада.

ТОШКЕНТ	0,06	0,06	102,63	115,50
Андижон	0,27	0,37	91,37	96,48
Сурхондарё	0,68	0,59	90,21	100,61
Жиззах	0,66	0,35	88,13	92,82
Қашқадарё	0,51	0,57	85,16	81,67
Наманган	0,20	0,25	82,32	90,85
Сирдарё	0,16	0,07	81,91	98,30
Фарғона	0,66	1,16	79,94	57,25
Бухоро	0,71	0,72	79,29	74,28
Самарқанд	0,54	0,65	77,96	75,85
ҚҚАССР	0,87	1,28	75,68	63,59
Хоразм	0,66	1,17	64,62	53,83
Республика бўйича:	0,50	0,59	83,26	84,08
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	1,17	—	69,92	—
Наманган	0,09	—	65,91	—
Қашқадарё	0,87	—	61,96	—
Бухоро	0,73	—	44,44	—
Республика бўйича:	1,05	—	66,06	—

МХР ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИДА БЎЛИШИ

МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал бошчилигидаги МХР партия-ҳукумат делегацияси КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети шарафига 19 октябрь куни нонушта зиёфат берди.

Зиёфатда Совет томонидан Л. И. Брежнев, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, М. В. Зимянин ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ва СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг раислари, министрлар, бошқа расмий кишилар бор эди.

Монголия томонидан зиёфатда МХР партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх нутқ сўзлади. У ўз нутқида МХР билан СССР ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада кучайтириш соҳасида имзоланган Монголия — Совет ҳужжатлари ғоят катта аҳамиятга эга бўлишини таъкидлаб ўтди.

Совет Иттифоқи билан қардошларча дўстлик ва қалин ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, деб уқтириб ўтди Ж. Батмунх, партиямиз ва ҳукуматимизнинг бош йўли, барча монгол коммунистлари, бутун монгол халқининг шоншараф иши ва интернационал бурчидир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин жавоб нутқида совет кишилари азалий дўстимиз ва иттифоқчимиз бўлган Монголия Халқ Республикасининг ривожланиши ва эришаётган муваффақиятларини зўр самимият билан қизиқиб кузатаётганликларини таъкидлаб ўтди. МХР тинчлик ва тараққиёт учун актив курашчи сифатида жаҳонда муносиб обрў-эътибор орттирди.

Кеча Кремлда Леонид Ильич Брежнев пролетар социалистик Россиясининг озод Монголия билан жанговар иттифоки вужудга келганидан буён монгол дўстларимиз икки ўртада ғоят ишончга сазовор бўлган муносабатлар тўғрисида гапирди, деб давом этди А. Н. Косигин. Бундай ишонч ички ва ташқи сиёсатнинг барча асосий масалалари юзасидан мустаҳкам мақсад ва фикрлар муштараклиги билан бирлашган мамлакатлар ва партиялар ўртасидагина бўлиши мумкин. Шубҳа йўқки, партияларимиз интернационал сиёсатининг натижаси бўлган бир-бирига ана шундай чуқур ишонч, айни маҳалда совет—монгол дўстлигини янада мустаҳкамлашнинг метин гарантияси, қардошлик иттифоқимиз мустаҳкамлиги ва бузилмаслигининг гаровидир, бу иттифоқни ҳеч ким ҳеч қачон буза олмайди.

Зиёфат қардошларча дўстлик вазиятида ўтди.

* * *

19 октябрь куни Москвада Совет — Монголия дўстлиги жамиятига Сухэ-Батор ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Жамият совет ва монгол халқлари ўртасида аҳвана бўлиб қолган қардошларча дўстлик ва қалин ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш соҳасидаги катта хизматлари учун шу юксак мукофотни олишга сазовор бўлди.

Йиғилиш президиумида ўртоқ Ю. Цеденбал бошчилигидаги МХР партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари; СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари П. Я. Страутманис, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, жамият активлари ўтиришибди.

Йиғилишни Совет дўстлик жамиятлари иттифоқи президиумининг раиси З. М. Крутлова очди.

Йиғилиш қатнашчилари самимий кутиб олган ўртоқ Ю. Цеденбал нутқ сўзлади. У Монголия Халқ революцион партияси Марказий Комитети ва Монголия Халқ Республикаси ҳукумати номидан, шахсан ўз номидан жамият раҳбарларини ва активларини Монголиянинг олий мукофоти — Сухэ-Батор ордени билан самимий табриклади.

Совет — Монголия дўстлиги жамияти мамлакатимиздаги Монголия — Совет дўстлиги жамияти билан мустаҳкам дўстона алоқа боғлаган бўлиб, бу жамиятнинг монгол меҳнаткашларини улуғ совет халқининг ҳаёти ва муваффақиятлари билан, Советлар мамлакатининг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлида бажараётган буюк ишлари билан кенг таништириш соҳасидаги фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб ёрдам бериб келмоқда.

КПСС XXV съезди Совет Иттифоқининг халқлари учун ҳам, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари учун ҳам, бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун ҳам жуда катта сиёсий аҳамиятга молик воқеа бўлди. Бу съезд коммунистик идеалларнинг тантанаси йўлида янги босқични бошлаб берди, деб таъкидлади Ю. Цеденбал. Жаҳон халқлари КПСС ва Совет давлатининг халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини янада ривожлантириш ва кучайтиришга, ялпи хавфсизликни таъминлашга қаратилган ленинча ташқи сиёсий йўлини астойдил табриклямоқдалар ва тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС ва унинг замонамизнинг буюк сиёсий арбоби, халқлар тинчлиги ва дўстлиги учун оташин курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитетининг сиёсати ва амалий фаолияти бутун тараққийпарвар инсониятнинг манфаатларига, тинчлик ва социализм манфаатларига тамомила муносибдир.

Ю. Цеденбал ҳамманинг давомли қарсаклари остида Совет — Монголия дўстлиги жамиятига Сухэ-Батор орденини топширди.

Жамият марказий правлениесининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Монголия Халқ Республикасининг қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси В. В. Горбатко жамиятнинг фаолиятига юксак баҳо берганлиги учун жамиятнинг кўп миллионли активлари номидан МХРП Марказий Комитетига, МХР Буюк халқ хурали Президиуми ва ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилди. (ТАСС).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАРГА ЧИҚИШДИ

Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ хурали Президиумининг Раиси Юмжагийн Цеденбал бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 20 октябрда Москвадан Олмаотага жўнаб кетди.

Минг-минглаб москваликлар қардош социалистик мамлакат делегациясини кузатиш учун пойтахт кўчалари ва майдонларига тўпландилар. Кремлдан аэродромгача машиналар ўтган бутун йўл бўйлаб москваликлар Л. И. Брежнев, Ю. Цеденбал, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин, Ж. Батмунх ўртоқларни, бошқа совет ва монгол раҳбарларини самимий табрикладилар.

МХР ва СССРнинг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Қуролли Кучлар уч турининг фахрий қоровули саф тортиб турди. Фахрий қоровул бошлиғи ўртоқ Ю. Цеденбалга рапорт берди. МХР ва СССР давлат гимнлари ижро этилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев билан Ю. Цеденбал совет жангчилари сафлари олдидан ўтдилар.

Тантанали маросим охирида фахрий қоровул саф тортиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Ф. Д. Кулаков самолёт зинаповлари олдига келиб, ўртоқ Ю. Цеденбал билан, делегация аъзолари билан қардошларча самимий хайрлашдилар. (ТАСС).

Суратда: аэродромда кузатиб қолиш пайти.

В. Соболев ва А. Коньков телефотоси. (ТАСС—ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВ А. ХАММЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 20 октябрь куни Кремлда Америка савдо-саноат доиралари таниқли намояндаси Армонд Хаммерни қабул қилди. А. Хаммер СССР билан АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда кўп йиллардан бери актив қатнашиб келмоқда.

Л. И. Брежнев суҳбат чоғида СССР билан АҚШ ўртасидаги тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш соҳасида Совет Иттифоқининг изчил йўл тутаётганлигини ва жумладан, умуман ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ана шу муносабатларнинг барқарор бўлиши учун чинакам иқтисодий алоқалар ўрнатилиши катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди. Ўз-ўзидан маълумки, иш худди ана шу йўналишда силжиши учун ҳар иккала мамлакатнинг хоҳиш-истаги ва куч-ғайрати талаб қилинади.

А. Хаммер ана шу фикрга қўшилганлигини билдириб, Американинг савдо-саноат доиралари Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқни ва иқтисодий алоқаларнинг бошқа шаклларини кенгайтиришни истаётганликларини айтди.

Суҳбат амалий ва дўстона вазиятда ўтди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров иштирок этди.

(ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

(Бошқи биринчи бетда)

Ёшлар билан ишлайдиган кенгашлар (комиссия) тузиш ҳамда маданият муассасалари ва ижодий союзларнинг органлари бўлган газета, журналларнинг редколлегияларида, виставка комитетларида, бадиий ва редакцион кенгашларда, раҳбар органларда ёшларнинг вакилларини кўпайтириш соҳасида ижодий союзларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш; ёшлар билан ишлашга адабиёт ва санъатнинг мўътабар арбобларини жалб қилиш, амалий семинарлар, ижодий кенгашлар, мунозаралар ўтказишни доимий одат тусига киритиш тавсия этилди.

Министрликлар ва идораларга мамлакатнинг эҳтиёжларига мувофиқ равишда маданият соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашни кўзда тутадиган, олий ва ўрта бадиий ўқув юртларига қабул қилишни тартибга соладиган, уларнинг моддий базасини изчиллик билан ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, институтлар ҳузурида ўргамчик театрлар, опера студиялари, виставка заллари, рассомчилик — ишлаб чиқариш устахоналари барпо этишни, ўқув юртлари ҳузурида тайёрлов бўлимлари (шу жумладан интернатлари ҳам бўлган бўлимлар) тармоғини кенгайтиришни кўзда тутувчи тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка ва область Советларига, Москва ва Ленинград шаҳар Советлари ижроия комитетларига СССР Рассомлар союзи ташкилотлари билан биргаликда ёш рассомлар ижодини янада кенг миқёсда кўрсатиш мақсадида виставка фаолиятини яхшилаш; 1976—1980 йилларда Москва шаҳрида қўшимча виставка бинолари ажратиб берилишини кўзда тутиш; мамлакатнинг йирик шаҳарларида рассомлар учун устахоналар қурилишини кенгайтириш вазифасини юклади.

СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети билан ижодий союзларга ёш прозаиклар, шоирлар, очеркистлар, драматурглар, композиторларнинг энг яхши асарлари нашр этилишига, шунингдек ёш рассомларнинг альбомлари чиқарилишига кўмаклашиш таклиф қилинди. Ёш авторларнинг асарларини ўз ичига олган китоблар туркумларини ва журналлар сонларини чиқараётган адабий-бадиий журналлар ва нашриётлар редколлегияларининг тажрибасини оммалаштириш тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитети «Юный художник» ва «Литературная учёба» журналларини яна чиқара бошлашни мақсадга мувофиқ деб топди.

Ёш санъат ходимларининг ғоявий-ижодий баркамоллигига ёрдам бериш мақсадида қарорда бир қанча тадбирлар, жумладан «Мосфильм» студияси негизида ёшларнинг экспериментал ижодий бирлашмасини ташкил этиш, Москва, Ленинград ва бошқа йирик маданий марказларда тасвирий санъатнинг таниқли усталари раҳбарлигида СССР Маданият министрлиги системасида ёш рассомлар учун хўжалик ҳисобидаги устахоналарни барпо этиш; ёш рассомлар, драматурглар ва композиторларнинг ишларига заказ бериш ва уларнинг асарларини сотиб олиш учун ажратиладиган йиллик маблағни кўпайтириш; олий бадиий ўқув юртларини битириб чиққанлар учун олтин ва кумуш медаллар таъсис этиш; медалчиларга катта усталар ҳузурида стажировкада бўлиш ва узоқ муддатли ижодий командировкага бориш ҳуқуқини бериш; мамлакат театрларида профессионал маҳорат (саҳна нутқи, вокал, рақс ва шу сингарилар) юзасидан машғулотлар ташкил этиш кўзда тутилди.

Марказий ва маҳаллий газета ҳамда журналларнинг редакцияларига, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитетига, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, СССР Кинематография давлат комитетига ёш ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, артистлар, театр ва кино режиссёрлари ижодини пропаганда қилишни яхшилаш, уларнинг асарларини мунтазам равишда эълон қилиш ва бу асарлар тўғрисидаги тақризларни чиқариб туриш таклиф этилди.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— БЕШ ЙИЛЛИККА

Бошланғич партия ташкилотларида давом этаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ўнинчи беш йиллиннинг партия XXV съезди белгилаган вазифаларини тўла-тўкис бажаришга комил ишонч руҳи яққол сезилмоқда. Коммунистлар меҳнат активлигини ҳар қачонгидан ҳам ошириб, ўнинчи беш йиллиннинг сифат ва самарадорлик беш йиллигига айлантириш, резервларни тўла ишга солиш, маҳсулот сифатини янада ошириш учун фойдали таклифлар ва мулоҳазалар билдирмоқдалар. Редакцияга келаётган хат-хабарларнинг кўпчилигида газетхонлар, партия ходимлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари қандай ўтаётганлиги тўғрисида ёзишмоқда. Қуйида Тошкент область партия ташкилотларидан олинган хабарларнинг айримларини ўқийсиз.

САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАЙДИ

«Йиллик планни барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича 10 декабрда бажарамиз! Фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз!» — Янгийўл шаҳридаги пахта тозалаш заводи бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар ана шундай қарор қабул қилишди. КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашиб, завод коллективи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун умумхалқ мусобақасида фаол қатнашмоқда. Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янги техникани ишга туширишда кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш пахта тозаловчиларнинг мақсади бўлиб қолди. Улар: «Қолоқларсиз, самарали ва сифатли меҳнат қиламиз!» демоқдалар.

Ҳисобот даври ана шу йўлда муҳим босқич бўлди. Партия бюросининг секретари А. Абдуғаниев ўз докладида коллектив эришган муваффақиятларни таъкидлаб, ҳал қилиниши лозим бўлган проблемаларни тилга олди. Ҳисобот даврида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Ю. Лускалов, И. Бўрибоев, И. Рискулов, Т. Юсупов сингари коммунистларнинг фаол иштироки билан кўпгина рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Партия бюроси корхона экономикаси масалалари билан бевосита, чуқур шуғулланадиган бўлиб қолди. Коммунистларнинг куч-ғайрати асосий фондлардан янада самаралироқ фойдаланишга, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилди. Бу ўз самарасини берди, албатта. Завод коллективи тармоқ корхоналари ўртасидаги мусобақада бир неча бор ғолиб чиқди.

Йиғилишда сўзга чиққан бош механик Ю. Лускалов, цех партия ташкилотининг секретари И. Бўрибоев, халқ контроли группасининг раиси З. Касьянова ва бошқа ўртоқлар коллектив олдида турган вазифаларни амалга оширишда коммунистларнинг авангардлик ролини янада кучайтириш тўғрисида фойдали таклифлар билдиришди.

С. ЖАББОРОВ.

ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИ — ТАРБИЯ МАКТАБИ

Оққўрғон автобус-таксомотор парки бошланғич партия ташкилотида коммунистларни юксак ғоявийлик, КПСС Устави талабларини оғишмай бажариш учун партиявий масъулиятни чуқур ҳис қилиш руҳида тарбиялашда партия йиғилишларининг роли муттасил оширилмоқда. Партия бюроси ўз мажлисларида, партия йиғилишларида коллектив фаолиятининг актуал масалалари муҳокама қилинишига эришмоқда. Чунончи, йиғилишлар коммунистларнинг фаол иштирокида тайёрланмоқда. Одатда йиғилишларда муҳокама қилинадиган масалаларни ўрганиш пайтида партия бюросининг аъзолари, коммунистлар у ёки бу участкада ишнинг ҳақиқий аҳволини таҳлил қилиб чиқадилар. Бу йиғилишлар танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи остида ўтишига ёрдам бермоқда. Коммунистлар билдирган мулоҳазаларни умумлаштириш ва шу асосда зарур тадбирлар комплексини ишлаб чиқиб, амалга оширишга эътибор кучайтирилаётир.

Ҳисобот даврида 11 партия йиғилиши ўтказилди. Уларда хўжаликка раҳбарликнинг актуал масалалари билан бирга партиявий-ташкилий ишлар, коллективда оммавий-сиёсий тарбияни кучайтириш ва жамоат ташкилотларига раҳбарликни янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Коллективни хўжалик вазифаларини бажаришга сафарбар этиш, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш мақсадида вақти-вақти билан очиқ партия йиғилишлари ўтказиб турилди. Уларда социалистик мусобақани ташкил этиш, транспорт хизматини янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди. Партиясиз актив билдирган мулоҳаза ва таклифлар асосида транспорт хизматини янада яхшилаш чоралари кўрилди.

Аммо докладчи ва йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар партия бюроси ўз қарорларини бажариш учун ҳамиша ҳам изчил иш олиб бормаганлигини таъкидлашди. Натижада бир қатор муҳим қарорларнинг бажарилиши таъминланмади. Партия йиғилишларида илгари қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида коммунистларга ахборот бериш йўлга қўйилмади. Худди шу нарса партия аъзоларида топширилган иш учун масъулият бўшашишига олиб келди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши партия бюросининг янги составидан партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни муттасил такомиллаштиришни талаб қилди.

М. КАРИМОВ.

МУСОБАҚА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

—Социалистик мусобақада ошкоралик етишмайди, — деди Янгийўл район ремонт заводи бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан коммунист С. Иброҳимов. — Ҳурмат тахтасини ўз вақтида янгилаб турмаймиз. Партия бюроси социалистик мусобақани ташкил этиш ишини яхшилаш борасида ҳамиша ҳам самаралий иш олиб бораётгани йўқ.

Дарҳақиқат, корхонада участкалар, бригадалар, айрим ремонтчилар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этишда бир қатор камчиликлар рўй берди. Маълумки, ўнинчи беш йиллик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва, умуман, иш сифатини яхшилаш беш йиллигидир. Шу жиҳатдан қараганда «Узсельхозтехника» Янгийўл район бўлимининг ремонт заводида маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасидаги ишлар талаб даражасидами? Ремонт сифати ҳамиша ҳам истеъмолчиларни қондираптими? Йиғилишда ана шу масалалар атрофида кенг фикр олишув бўлиб ўтди.

Мосламалар, зарур эҳтиёт қисмлари етишмаслиги туфайли ишда узилиш рўй бермоқда. Меҳнатни ташкил этиш соҳасидаги нуқсонлар эса ремонт ишлари бир меъёрда олиб борилишига тўғаноқ бўлиб турибди. Мотор цехида техника талабларини бузиш ҳолларига тез-тез йўл қўйилмоқда. Натижада саккиз ой мобайнидаёқ ўтган йилнинг шу муддатидигидан анча кўп раддиялар олинди. Айниқса, автомобиль двигателлари сифатига эътиросзлар кўпайиб бормоқда. Ҳолбуки, партия ташкилоти ҳисобида турган коммунистларнинг 30 процентидан кўпроғи шу цехда меҳнат қилади. Улар ремонт сифатини яхшилаш, ишни бир меъёрда ўйлга қўйишда намуна кўрсатмаётирлар. Партия бюросининг янги техникани жорий этиш ва ремонт технологиясини такомиллаштириш устидан назорат комиссияси етарли иш олиб бормаётганлиги кўп жиҳатдан ана шу камчиликларнинг рўй беришига сабаб бўлаётир.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши танқид ва ўз-ўзини танқид асосида ўтди. Нотиқлар партия бюроси, унинг комиссиялари ишини тубдан яхшилашга қаратилган фойдали мулоҳазалар билдиришди. Йиғилиш ишлаб чиқаришда жиддий сифат ўзгаришлари ясашга қаратилган қарор қабул қилди.

Р. ЮНУСОВ.

Коммунистик меҳнат зарбдори, бетончи Алим Холбоев кўп йиллардан бери энергетика қурилишларида ишлаб келмоқда. У Чорвоқ ГЭСи қурилишида фаол иштирок этди. Ҳозир эса Ҳўжакент ГЭСини бунёд этишда зарбдор меҳнат қилмоқда. Илғор бинокор смена топшириқларини ошириб адо этаётир. Суратда: бетончи А. Холбоев.

И. Глауберзон фотоси.

БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА ИККИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ БАЖАРАМИЗ

ҲАР ДАҚИҚА ҲИСОБДА

ИЗДОШЛАР РАПОРТИ

Шу кунларда комбинатимизда КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш, самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлган ўнинчи беш йиллик биринчи йили план топшириқларини муддатидан илгари ошириб адо этиш учун кураш оммавий тус олиб кетган. Энг яхши ишчилар эса «Ўнлар ташаббуси»га қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар. Кўтаринки, ижодий меҳнатнинг дастлабки самараси ўлароқ Т. Бекматова, В. Манеева, Х. Дуйсекенова, А. Хлопунова сингари тўққиз нафар ишчи ўнинчи беш йиллиннинг биринчи йили топшириқларини аллақачон дўндириб, ҳозир 1977 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Юксак малака, пухта билимга эга бўлиш, тинимсиз ижодий изланиш, илғор тажрибага, фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланган ҳолда ишни янгича ташкил этиш — бу аламатлар эришаётган ютуқлар калитидир.

Мен ҳам корхонамизда «Ўнлар ташаббуси»га биринчилар қаторида қўшилган, зиммамга юксак маҳбурият қабул қилган эдим. Ғоявий эътиқод, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, тобора кўпроқ муваффақиятга эришишга интилиш менга куч-ғайрат бағишлади. Илгари иккита макарон прессига хизмат кўрсатардим. Корхона раҳбарларидан прессларнинг сонини иккитага кўпайтиришни сўрадим. Илтимосим бажарилди. Иш вақтининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишга интилдим. Иш жойимни тез ва аниқ ҳаракат қилишимга мослаштириб ўзгартирдим. Буларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имкониятини яратди. Йиллик планни шу йил 13 майдаёқ бажарганлигим ҳақида рапорт бердим. Ҳозиргача топширикдагидан ташқари 500 тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқардим.

В. ДАВИДОВА,
Тошкент булка-кондитер комбинати ишчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ёппасига электрлаштириш, Тошкент шаҳри электр шохобчалари хўжалигини ривожлантириш, энергетик кадрлар тайёрлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг Тошкент шаҳар электр шохобчалари корхонасининг директори Владимир Дмитриевич **Рацбаум**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган энергетик» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари, жамоат ҳаётида актив қатнашганлиги учун Самарқанд область Жомбой районидаги В. И. Ленин номли 23-ўрта мактаб директори Нормат **Ниёзов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет, комсомол органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва тўғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Бухоро область меҳнаткашлар депутатлари Зарафшон шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Абдималик Бекеевич **Алдамуротов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада кибернетика фанини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институтининг ҳисоблаш маркази электрон-ҳисоблаш машиналарида ахборот бериш-олиш аппарат воситалари лабораториясининг мудири Евгений Васильевич **Квашнин**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Журналларнинг янги сонларида

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Журналнинг октябрь ойи сони босмадан чиқди. Унда ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқи босилган. Журналнинг бош мақоласи янги ўқув йилида марксча-ленинча таълим мавзуига бағишланган. «Ривожланган социализм социал-иқтисодий проблемалари» бўлимида Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министри А. Ҳамидовнинг «Ўзбекистон энергетикаси ўнинчи беш йиллиқда» сарлавҳали мақоласи ўрин олган. «Идеология, фан, маданият» бўлимида КПСС Марказий Комитети Фан ва ўқув юртлари бўлимининг мудири С. Трапезниковнинг «Ижтимоий фанлар — партия ва халқнинг ғоявий бойлиги», Наманган область партия комитетининг секретари Т. Рўзибоевнинг «Совет халқи анъаналарига садоқат руҳида» сарлавҳали мақолалари босилган. Журналдан, шунингдек, инсон ва табиат, адабиёт ва санъат мавзуларида ёзилган қизиқарли мақолалар ҳам ўрин олган.

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

Журналнинг октябрь ойи сони ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқи ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу кенгашда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги қарори билан очилади. Журналда КПСС Марказий Комитетининг «Партийная жизнь» журналидан таржима қилиб берилган «КПСС XXV съезди қарорлари асосида ташкилий-партиявий ишнинг актуал вазифалари» сарлавҳали мақолани ҳам ўқиш мумкин. «Ҳар бир фермада мўл-кўл ем-хашак бўлсин». Бу сондаги редакцион мақола ана шундай номланган. «Хўжаликка раҳбарлик» рубрикаси остида босилган мақолада Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари С. Тоиров қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялаш, «Ташкилий-партиявий иш» рубрикаси остида берилган мақолаларда Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. Камолов сайлаб қўйилдиган активларнинг ишчанлигини ошириш, Фарғона шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. Икромов депутатлар фаолиятини активлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

ПЛАНЕТАМИЗДА

СОВЕТ—ЭРОН БИТИМИ ИМЗОЛАНДИ

ТЕҲРОН, 20 октябрь. (ТАСС). Кеча бу ерда 1976—1980 йилларда СССР билан Эрон ўртасида товар оборот тўғрисидаги битим имзоланди. Янги битимда ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо ҳажмини 1980 йилга бориб бундан аввалги беш йилдагига нисбатан тахминан икки баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Совет Иттифоқи Эронга машина ва ускуналар, химиявий моллар ва бошқа хил моллар етказиб беришни кенгайтиради. Эрон эса ўз навбатида СССРга кенг истеъмол моллари, қишлоқ хўжалиги ва кончилик саноати маҳсулотларини етказиб беришни кўпайтиради.

Битимни Совет томонидан — СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, Эрон томонидан — Эрон савдо министри М. Таслимий имзоладилар.

ВИЗИТ ТУГАДИ

БЕЛГРАД, 19 октябрь (ТАСС). Шу кунларда Македония ёшлари Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов бошчилигидаги ўзбек комсомоллари делегациясини самимий, қардошларча қабул қилдилар. Узбек комсомолларининг делегацияси республика ёшлар союзи раҳбарлигининг таклифига мувофиқ Югославиянинг ана шу республикасига меҳмон бўлиб борди. Совет Узбекистони комсомолининг вакиллари визит чоғида Македония ёшлар союзининг Скопле, Охрид, Прилепа, Велесдаги ва ЮСФР энг жанубий республикасининг бошқа шаҳарларидаги жамоа ташкилотларида бордилар, республиканинг маданий ва тарихий ёдгорликлари билан танишдилар.

Ёшлар союзининг раҳбарлари ва аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида СССРдан келган меҳмонлар ўз республикаси комсомолларининг режалари ва ишлари тўғрисида, улар ўнинчи совет беш йиллиги топшириқларининг бажарилишига қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапириб бердилар, Узбекистон ва Македония Социалистик Республикаси ёшлар ташкилотлари Скопле ва Тошкент ёшлари ўртасидаги фаолиятини активлаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ НЕГИЗИ

БЕЛГРАД, 20 октябрь санаси Югославия тарихида алоҳида ўрин эгаллайди. Совет Армияси билан Югославия Халқ-озодлик армиясининг биргаликда курашган жангчилари шиддатли жанглардан кейин 1944 йилнинг шу куни Белградни гитлерчи босқинчилардан озод қилдилар. Шаҳар аҳолиси ҳалоскор қаҳрамонларни шоду хуррамлик билан кутиб олди. Москва ана шу кунни тўплардан ўқ отиб, салют билан нишонлади.

Шаҳарни озод этиш учун ўз жонини фидо этган совет ва югослав жангчиларининг хотираси белградликларнинг қалбида абадий яшамоқда. Уларнинг хотираси мармар монументларда абадийлаштирилди. Бу монументларнинг пойида ҳамиша янги гуллар бор.

Урушдан кейинги йиллар мобайнида Югославия пойтахти таниб бўлмас даражада ўсди ва гўзаллашди. Унинг кўпгина районларида янги архитектура ансамбллари қад кўтарди.

Белград меҳнаткашлари социалистик тараққиёт йилларида ўзаро ҳаётнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришдилар. Шаҳарда саноат ишлаб чиқариши урушдан аввалги йилларга нисбатан 18 баравар кўпайди. Шу беш йилликда Белград корхоналари маҳсулот ҳажмини яна 11 процент кўпайтирадилар. Уй-жой фонди анча ортади.

Совет ва югослав халқлари фашизмга қарши биргаликда олиб борилган кураш хотирасини авайлаб сақлаётмоқдалар. Ҳар икки халқнинг ана шу кураш давомида тобланган дўстлиги мустаҳкамланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Бу йил КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 1971 йилда Югославияга визит билан борган чоғида имзоланган Совет — Югославия баёнотининг беш йиллиги нишонланди. Бу ҳужжат СССР билан Югославия ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтиришнинг мустаҳкам негизи бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик жадал ривожланиб бормоқда. Шу беш йиллиннинг ўзидагина ҳар икки мамлакат ўртасида товар обороти ўтган беш йилликка нисбатан икки баравардан зиёд ортди. Югославия халқ хўжалиги асосий тармоқларининг корхоналарини қуришда ва реконструкция қилишда Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги иқтисодий алоқаларнинг кўп ва хилма-хил шаклари ўртасида катта ўрин эгаллаган. Бундай корхоналар орасида Смедерово ва Зеницедаги металлургия комбинатлари, «Омарско» кони (бу конда ҳар йили 9 миллион тоннадан кўпроқ темир рудаси қазиб чиқариладиган бўлади), жами қуввати 2,4 миллион киловаттга бораднган иссиқлик электр станциялари бор.

СССР билан Югославия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик йилдамйилга мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Октябрь ойининг охирида Югославияда «Совет маданияти кунлари» бошланиши мустаҳкамланиб бораётган алоқаларнинг янги намунаси бўлади.

Г. ПОЛЕГАЕВ,
(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ГАВАНА.** Пуэрто-Рико маъмурлари Рио-Пьедрас университети студентларининг ўқитувчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказган намойишига репрессиялар билан жавоб қайтаришди.

Полиция университет биносини ишғол қилди. Студентлардан катта бир группаси ана шу олий ўқув юртидан ҳайдалди.

● **ВАШИНГТОН.** Сенатнинг уй-жой қурилиши масалалари билан шуғулланувчи кичик комиссиясининг раиси Ж. Спаркмэн АҚШда уй-жой қурилиши соҳасидаги аҳволни «фалокатли» деб атади. Кейинги бир неча йил ичида, дедй сенатор, кам даромад олаётган американликлардан бир миллиондан ортиқ киши хароба уйларда яшамоқда. Сенатор келтирган маълумотларга қараганда, кейинги уч йил ичида Қўшма Штатларда уй-жой қурилиши 30 процентдан зиёд қисқарган.

● **БОННГ.** «Касблар бўйича ишлашни тақиқлаш»га қарши кураш ташаббускори» бўлган ташкилотнинг раҳбарлиги Германия Федератив Республикасининг жамоатчилигига мурожаат қилиб, Ғарбий Германияда демократларнинг таъқиб этилишига қарши норозилик ҳаракатини кенг авж олдиришга чақирди. Ташкилотнинг баёнотида бундай дейилади: Ғфрда 17 ноябрдан 25 ноябргача «касблар бўйича ишлашни тақиқлаш»га қарши ҳаракат ҳафталиги ўтказилади.

● **ПРАГА.** Ҳар йили ўтказиладиган машинасозлик ярмарканлари Брно шаҳри марказида ихтиролар ва техника янгиликларини тасвирловчи халқаро «Инвекс-76» виставкаси очилди.

Бу виставкада Европадаги 10 та давлатнинг техника соҳасида эришган 1.100 дан зиёд янгиликлари намойиш қилинади. Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг экспонатлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида ихтиёрчилик қандай ривожланганлигини кўрсатиб беради.

● **ИСЛОМОБОД.** Покистонда «хотин-қизлар ҳафталиги» бошланди. Бу ҳафталик хотин-қизларни давлат ишларига, жамоат ва маориф фаолиятида актив қатнашишга жалб этиш шиорлари остида ўтказилади.

● **МАПУТУ.** Иқчиларнинг зиндонларида азоблаб ўлдирилган 16 яшар африкалик ўсмир Думизани Мбатани дафн этиш маросими сиёсий намойишга айланди. Йигит ва қизлардан 700 дан ортиқ киши Соэто кўчаларига чиқиб, Жанубий Африка Республикасидаги маҳаллий африкалик аҳолига қарши террор ва репрессияларга чек қўйилсин, деб талаб этди. (ТАСС).

АНҚАРАДА КЎРГАЗМА

АНҚАРА, 19 октябрь. (ТАСС). Туркия пойтахтининг марказий виставка залида СССР халқ рассоми Ю. М. Непринцев асарларининг кўргазмаси очилди.

Кўргазмага рассомнинг саксондан ортиқ асарлари қўйилган. «Ленинградликлар» деб аталган офортлар туркуми асосий ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бу туркум Улуғ Ватан уруши йилларида қамал қилинган Ленинграднинг оғир кунлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ю. М. Непринцев асарлари турк жамоатчилигида зўр қизиқиш туғдирди.

СОВЕТ — АНГЛИЯ УЧРАШУВИ

19 октябрь куни Москвада «Тўғарак стол» атрофида Совет — Англия иккинчи учрашуви бошланди. Бу учрашувни 1975 йил февралида олий даражадаги Совет — Англия музокаралари якунида эришилган ахдлашувга мувофиқ СССР Фанлар академиясининг жаҳон экономикаси ва халқаро муносабатлар институти билан халқаро муносабатлар қироллик институти ўтказмоқда. СССР билан Буюк Британия сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигининг актуал проблемалари юзасидан фикрлашувда ҳар иккала мамлакат жамоатчилиги, фан, маданият ҳамда савдо-саноат доираларининг таниқли намояндалари иштирок этмоқдалар. (ТАСС).

ЛОС-АНЖЕЛЕСДА ТАЛОНЧИЛИК

ВАШИНГТОН, 19 октябрь. (ТАСС). Космонавтика масалалари юзасидан чақирилган конгресс ишида қатнашаётган совет академиклари Б. Н. Петров ва Л. И. Седов Лос-Анжелесда қуроллари кишилар томонидан талонланлиги хусусида СССРнинг Вашингтондаги элчихонаси ва СССРнинг Сан-Францискодаги бош консулхонаси АҚШ Давлат департаментига норозилик билдирди.

Талончилар бемалол ишларинишга улгурдилар.

СССР элчихонаси бу воқеанинг пухта текширилишини ва совет делегацияси аъзоларининг тегишинча қўриқланишини таъминлашни талаб қилди.

Давлат департаменти шу можаро муносабати билан таассуф билдирди ва Совет делегациясининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди, деб ваъда берди.

ТЕРИМДА СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАЙЛИК!

ВАЗИЯТ ТАҚОЗОСИ БИЛАН

Самарқанд областининг Пахтачи районы меҳнаткашлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам терим суръатини ошириш учун курашмоқдалар, машиналардан оқилона фойдаланмоқдалар. Ялпи ҳосилнинг 90 процентини «зангори кема»ларда йиғиб-териб олиш уларнинг жанговар шнорига айланди. Теримда коммунистлар авангардлик ролини ўйнамоқдалар. Мураккаб шароитда терим суръатини ошириш тадбирлари ҳақида район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулайхо Норқулова қуйидагиларни айтди.

— Районимиз хўжаликларида пахта терими ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан бошланди ва қизғин давом эттирилянти. Октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида йиллик планнинг 42 процента миқдорида пахта тайёрланди, машиналарда ҳар қачонгидан кўп ва юқори сорт пахта терилди. Пахтакорларимизнинг меҳнати юксак баҳоланди, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдик.

Теримда суръат тобора кўтарилаётган эди. Бироқ кейинги кунларда қаттиқ ёғингарчиликлар бўлиб, ишимизнинг белига тепди. Бундан чўчийдиган жойимиз йўқ. Бойси халқимиз пахтани ёпиқ том остида эмас, балки очиқ майдонларда етиштирди. Демак турли қийинчиликлар бўлиши мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган йилларда ҳам ёғингарчиликлар туфайли кўп машаққатларни бошдан кечирганмиз. Хаққимиз ҳеч қачон ҳеч нарсадан нолиган эмас. Аксинча партия ташкилотлари атрофига маҳкам жипслашиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилганлар. Бу йил ҳам шундай қиладилар. Пахтакорларимиз она-Ватанга ҳар қандай шароитда ҳам 60 минг тонна Пахтачи дурдонасини етказиб берадилар.

Далаларимизда ҳосил мўл бўлди, давлат пахта тайёрлаш плани, юксак социалистик мажбуриятимизни шараф билан адо этиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Гап шундаки, юз берган қийинчиликлар олдида саросимага тушмаслигимиз, ақл-заковат билан иш тутмоғимиз, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини, коммунистларнинг авангардлик роликни оширмоғимиз зарур. Партия ташкилотлари меҳнаткашларни улуғвор вазифаларни бажаришга тўла сафарбар эта олган жойларда яхши кўрсаткичларга эришилаверади. Бунга кўп йиллик тажрибада кўриб тўла ишонч ҳосил қилганмиз.

Ҳозир теримчилар ғайратини оширган ҳолда машиналарга зўр беришимиз керак. Чунки юкнинг оғирини машиналар кўтаради, йўлнинг олисини машиналар босиб ўтади. СССР Олий Совети депутати Бобошер Шовқиев раислик қилаётган Калинин номли колхоз машиналар шарофати билан йиллик пахта тайёрлаш планини районда биринчи бўлиб бажарди. Тайёрланган 6.800 тонна пахтанинг 5 ярим минг тоннаси машиналар бункерларидан тўкилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Шамси Назаров раислик қилаётган «Коммунизм» колхозида ҳар бир машинада терилган пахта 150 тоннадан ошиб кетди. Тажрибали пахтакор Қурбон Ражабов раислик қилаётган Киров номли колхозда ҳам машиналарга таянилиш туфайли пахта тайёрлаш плани бажарилгани ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бошқа хўжаликларимизда ҳам қийин об-ҳаво шароитида пахта тайёрлаш сира сусайтирилаётгани йўқ, аксинча кучайтирилмоқда.

Районимиз бўйича гектаридан камида 45 центнердан пахта тайёрлаш ҳақидаги социалистик мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз. Бундай дейишимизга асос бор. Юқорида номи тилга олинган Киров номли колхоз пландан ташқари 3 минг тонна пахта беради. Куни кеча Хайринисо Шарипова раислик қилаётган «Самарқанд» колхози аъзолари гектаридан 40 центнердан пахта топшириб, планини бажарди, ҳосилдорликни гектар бошига 52 центнерга етказиш учун курашянти. Қалбида виждони, бугунги кучи бор кишиларнинг даммаси ҳозирги шароитни ҳисобга олиб, пахта теримида актив қатнашмоқда. Хўжаликларимизда ҳар қандай шароитда ҳам йиллик планнинг бир ярим-икки процента миқдорида пахта тайёрланмоқда.

Теримда қийинчиликлар юз бераётгани факт, ундан ҳеч ким юз ўгираётгани йўқ. Лекин халқ кўзғолса, ҳамма баравар ғайрат отига қамчи босса қийинчиликларни енгиш мумкин ва енгамиз. Бунинг учун мустаҳкам ирода, ғалабага комил ишонч бўлмоғи даркор. Партия ташкилотларимиз халқимизни шу руҳда тарбияламоқда, теримни кучайтиришга сафарбар этмоқда. 125 пахтачилик бригадасидан 50 таси планини бажарди, ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширяпти. Якин кунларда яна 30 та бригада маррага етади. Бу йил плани ва мажбуриятини бажармаган бирорта бригада, хўжалик бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб районимиз бўйича гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарамиз деяпмиз.

Район партия комитети яна бир муҳим масалага алоҳида эътибор берянти. Пахта тайёрлаш планларини бажарган хўжаликлар ҳам, ҳозирча бажармаганлари ҳам суръатни сусайтирмаслиги керак. Чунки далаларда ҳосил кўп. **Биз Самарқанд областимиз ва республикамиз бўйича пахта тайёрлаш ҳақидаги социалистик мажбурият бажарилгандагина зиммамиздаги бурчимизни адо этдик деб ҳисоблаймиз.** Карл Маркс номли, «Коммунизм» колхозларида мураккаб шароитда ҳам икки процентдан ошириб пахта тайёрланаётгани сўзимизнинг исботидир.

Механизаторларимиздан миннатдормиз. Улар кунларни тунларга улаб меҳнат қилянти. «Самарқанд» колхозининг механик-ҳайдовчиси Ғаффор Исмоилов бункерлардан 200 тоннадан ошириб пахта тўкди. Унинг мусобақадоши Неъмат Олтибоевнинг терган пахтаси 130 тоннадан ошиб кетди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биз механизаторларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитни яратиб бердик, айни кезда уларга дала гвардиячилари сифатида талабчанликни кучайтирмоқдамиз. **Меҳнатимиз билан етиштирилган ҳосил тўла йиғиб-териб олинмагунча бирорта техника восистаси пайкаллардан чиқарилмайди.** Ҳозир тўкилган пахтани терадиган механизмларни ҳам ишга туширдик.

Районимизда 50-55 центнерчилик ҳаракати кучайтирилмоқда. Кўпчилик бригадаларимиз ҳозиродаёқ 40-45 центнерлик маррани эгалладилар. Норҳол Курбонова, Оллоёр Ҳалилов, Умар Бобокулов, Тожибой Тангиров, Миркамол Камолов, Мунаввара Муҳаммадиева, Йўлдош Мавлоновлар бошлиқ бригадалар шулар жумласидандир. Гап шундаки, ҳар бир бригада, колхоз юксак социалистик мажбуриятини бажаргандагина маррага етди деб ҳисоблаймиз ва рапортини қабул қиламиз. Унгача мўл ҳосил учун кураш давом эттирилаверади.

Районимиз бўйича пахта тайёрлаш плани 90 процент бажарилди. Лекин ҳосилнинг катта қисми далаларда ғўзаларнинг тупида турибди. Уни сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш шарафли ишимиздир. Вазиятни ҳисобга олиб, суръатни сусайтирмасликка қаратилган тадбирлар белгиладик.

Механик-ҳайдовчиларимиздан Болта Ёқубов, Исомиддин Муҳаммадиевларнинг иш тажрибаси диққатга сазовордир. Улар пайкаллардан нам кўтарилиши билан машиналарини ишлатмоқдалар, бекор туриб қолишига йўл қўймаётирлар. Шуниси қувончлики, ҳар бир машинада кунига 3-4 тоннадан пахта териляпти. Бу суръатни асло сусайтирмаймиз.

Теримчиларимизга кунлик нормалар белгиланди. Улар ҳам ғайрат-шижоат билан ишламоқдалар. Тонг саҳардан кош қорайгунча ҳалол меҳнат қилиш уларнинг шиорига айланди. Теримчилар билан механик-ҳайдовчилар мусобақаси тобора кучайтирилмоқда.

Дала меҳнатчиларининг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб бериш шу кунларда айниқса катта аҳамиятга эгадир. Йиғим-терим билан банд бўлган кишиларнинг ҳаммалари иссик овқат, меваолар билан таъминланяпти, болалик оналар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилинянти. Шундай қилмасак бўлмайди. Чунки об-ҳаво тез-тез ўзгариб турибди, кун қисқарянти. Бундай шароитда меҳнаткашлар ташаббускорлигини ошириш, вақтдан ютиш, техникадан самарали фойдаланиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Бугун хотин-эркак, кекса-ёш — ҳамманинг ўрни унумли пахта далаларида бўлмоғи, ҳамма ва ҳар бир киши бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоғи керак. Чунки пахта халқимизнинг меҳнати, давлатимизнинг ёрдами билан кўп қийинчиликларни енгиб етиштирилган, уни тўла, сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш пахтакорлик бурчимиздир. Районимиз пахтакорлари бу бурчни шараф билан оқлайдилар, гектаридан 45 центнердан дурдона йиғиб-териб олиб, она-Ватанга 60 минг тонна Пахтачи дурдонасини етказиб берадилар.



ОҒА-ИНИ ҲАШАРЧИЛАР

Бир неча кундирки, улар чўлда меҳнат қилишаётир. Тошкентимизнинг Фарҳод ярмаркасидаги «Автотурист» магазинида ишлаш қайдаю, чўл ҳавосида пахта териш қайда!

Улар автомашиналарни моҳирлик билан ҳайдай олишарди. Лекин пахта териш агрегатларини ўз измиларига бўйсундириш осон бўлмади. Улар аввалига анча қийналишди. Шунда моҳир механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Валиев кўмакка келди. Ўз касби сирларини ўргатди. Кейин «зангори кема» штурвалига ўтқазиб, оқ йўл тилади.

Уч оға-ини ботирлар машина кабинасига дадил ўтириб, пахта денгизи узра сузиб кетишди. Бир томонда Қосим Яҳёев, иккинчи томонда Мирасрор Султонов, бошқа ёқда Шавкат Холиқназаровлар завқ-шавқ билан пахта теришарди.

— Уялиб қолмасак бўлгани, — учовлон ана шундай хижолатда эдилар.

Ахир, ҳолва деган билан оғиз чучимайди-да. Механизаторлик осон касб эмас.

Воқеа бундай бўлган эди. Кунларнинг бирида уч ҳамкасб район партия комитетига бориб, пахта йиғим-теримида дала меҳнаткашларига ёрдамлашмоқчи бўлганларини айтишди. Йигитларнинг илтимослари қаноатлантирилди. Шундай қилиб, шаҳарлик уч азамат пахта йиғим-терими авж олган дол зарб кунларда қалб амри билан Жиззах областининг Пахтакор районидаги Кичанов номли совхозга етиб боришди. Чўлқуварлар йигитларни ҳушнудлик билан кутиб олдилар. Уларга икки қаторли учта пахта териш агрегати берилди.

— Ҳар биримиз 150 тоннадан пахта териш мажбуриятини оламиз, — дейишди йигитлар.

— Мард майдонда синалади, — уларга жиддий қараб қўйди Аҳмаджон Валиев, — Пахтани менинг бригадамдан терасизлар.

— Сўзимиз қатъий, сизларнинг олдингизда уялиб қолмасликка ҳаракат қиламиз.

Кунлар ўтаверди. «Зангори кема»ларнинг бункерлари бирин-кетин «оқ олтин»га тўлар, буни кўриб ҳашарчи йигитлар ўзларида йўқ қувонишар эди.

Аҳмаджон Валиев бошлиқ бригада марди-майдонлари бу йил 402 гектар ерда деҳқончилик қилишди. План ҳар гектаридан 26,3 центнердан, мажбуриятлари эса 53 центнердан! Бригада азаматлари далаларда мўлкўл ҳосил етиштиришди. План шараф билан адо этилганига бир неча кун бўлди, ҳали далаларда ҳосил кўп. Оппоқ пахта денгизига боқиб завқланасан, киши. Айниқса, ҳашарчилар К. Яҳёев, М. Султонов, Ш. Холиқназаровларнинг севинчлари ўзгача. Улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини тез кунларда шараф билан бажариш учун тонгни тунга улаб меҳнат қилишаётир. Ҳозиргача эл хирмонига 110-120 тоннадан «оқ олтин» тўкишди.

— Куни кеча ҳашарчи йигитларимиз ҳузурига бориб келдим, — дейди магазин директори Омон Юнусов. — Ғайратга ғайрат қўшиб ишлашянти. Коллективимизни уялтириб қўймаймиз, мажбуриятимизни ортиғи билан адо этамиз, дейишди.

Ўзбекистонимизда ҳамма пахтакор. Шу долзарб кунларда пахтакорларимизга қўлларидан келганича ёрдам беришни мақсад қилган бу уч йигитга хайрли ишларида муваффақият тилаймиз.

У. ЮСУПОВ,
Ю. ЗИЁДОВ.

Суратларда: 1. Мирасрор Султонов «зангори кема» штурвалида. 2. Уч оғайни ҳашарчилар «оқ олтин» теришмоқда. 3. Ҳошим Яҳёев бугун кечагидан ҳам мўл пахта теришни мўлжаллаяпти.

А. Абалян фотолари.

СУВОРИЙЛАР

Хаёл оғушида дала кезамиз. Чор тарафда меҳнат сурури жўш урадн. Ҳу, ана бепоён пахтазорда «Ўзбекистон» терим агрегати равон сузмоқда. Машина ўтган эгатлардаги ғўзалар қорайиб қоляпти. Суворий йигитнинг эпчил ҳаракатлари, қарчиғайдек олисни кўзлаши унинг ўз ишига нечоғли ихлос қўйганлигидан далолат. Шпинделлар гувиллаб айланади.

Машина карта бошига чиқиб тўхтади. Бункер кўтарилиб, пахта прицепга бўшатилди. Штурвалдан тушиб келган ўрта бўйли, чайир йигит билан қўл олишдик. Унинг юз-кўзларига, қора комбинезонига пахта гарди юққан, руҳи тетик эди.

— Жума Расулев, — дея таништирди у ўзини.

— Жуда соз. Эрталабдан бери неча прицеп бўлди?

— Бу иккинчиси, — деди механизатор пахтаси қорли чўққидек дўппайиб турган прицепни кўрсатиб.

— Демак, кечгача 7-8 тонна теракансиз-да?

Йигит мийигида кулди:

— Ҳаркалай, ишса керак. Тунги сменадагиси бу ҳисобга кирмайди. Мавсум бошидан буён 100 тоннадан ортиқ пахта тердим.

«Зангори кема» капитани билан қилган қисқа суҳбатимиздан англашилдики, ҳозир у пахта тераётган Ўсмон Ражабов бошлиқ бригадада машинада пахта теришга эътибор кучли экан. Шунинг учун ҳам бу ерда суръат ошиб, сафар марраси сари дадил одим ташланмоқда. Йиллик пахта тайёрлаш плани 80 процентдан ошиб кетди. Бригада коллективи теримда юқори кўрсаткичга эришгани учун колхоз правлениеси ва партия комитетининг кўчма Қизил байроғини икки беш куниликда қўлда сақлаб қолди.

Колхоз далаларида ҳозир 18 та терим агрегати ишлаб турибди. Улардан унумли фойдаланилаётганлиги туфайли хўжалик ҳар куни она-Ватанга 2.5—3 процентга етказиб пахта сотмоқда. Мавсумда 150-200 тоннадан дур териш мажбуриятини олган Бахшулло Эргашев, Бозор Зуҳуров, Рамазон Болтаев, Эсон Нуруллаев каби «зангори кема» капитанларининг шу кеча-кундуздаги ғайрати таърифга сиғмайди. «Ленинград» колхози ,заршуносларн етиштириладиган 3450 тоннаник ҳосилнинг қарийб 2000 тоннасини «пўлат этак»лардан тўкадилар.

Н. ТОШЕВ,
Вобкент райони.

МАШИНА ТЕРИМИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ТЕРМИЗ («Совет Узбекистони» мухбири). Пахтачиликни комплекс механизациялаш вазифаларини муваффақиятли амалга ошираётган Ғиждувон районн дала гвардиячилари терим агрегатларининг юқори унум билан ишлашини таъминлаб, машина терими планини муддатидан олдин ошиғи билан адо этдилар. Улар ҳозиргача 18 минг тоннадан зиёд пахтани «пўлат этак»лардан тўкишга эришдилар. Шу нарса қувончлики, бункерлардан тўкилган пахтанинг 5 минг тоннадан кўпроғини ингичка толали пахта ташкил этади.

Район хўжаликларидаги 217 «зангори кема» билан ҳозиргача 18 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» терилди. Бу ўтган йил мавсум охиригача машинада терилган ҳосилдан 3 минг тонна кўпдир. Мавсум бошидан бери ҳар бир агрегат билан ўрта ҳисобда 90 тоннадан ошириб пахта терилди.

Жарқўрғонлик дала суворийларнинг бу зафарига «Сурхон» совхози, «Партия XXII съезди», Ленин номли, Охунбобоев номли колхозлар механизаторлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район хўжаликларида машина терими давом этяпти. Дала гвардиячилари машиналар бункеридан яна 10 минг тонна пахта тўкишга, ҳар бир агрегатнинг ўртача кўрсаткичини 150 тоннага етказишга сўз бердилар.

А. ХАЛИЛОВ.

ЯНА МИНГ ТОННА

АНДИЖОН. («Совет Узбекистони» мухбири). Машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусамат Тиллабоев раислик қилаётган Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхози давлатга 7642 тоннадан зиёд пахта топшириб, йиллик халқ хўжалик планини бажарди. 2 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38,2 центнердан ҳосил олинди. Ўктам Соҳибов бригадаси бугунгача 50 центнерлик маррани эгаллади. Усмон Худойбердиев бригадаси эса гектаридан 49 центнердан хирмон кўтарди. О. Жўраев, Ғ. Охунов, М. Ўрмонов, Р. Холматов, И. Хўжаев бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 40-43 центнерданга етди.

Бу машъал хўжалик пахтакорлари Андижон хирмонига яна минг тонна пахта тўкиб, ялпи ҳосилни гектар бошига 42,5 центнерданга етказишга аҳд қилдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ.

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхози марди-майдонлари сўнгги миснол ҳосилни ҳам нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ишқи билан меҳнат қилишяпти. Ёшу қари ҳамма пахтазорга отланган. Кўпминг килограммчи теримчилардан Танзила Юнусова ва Чўлпоной Ҳожиевалар ҳам ҳар дақиқани ғаниматг билиб пахта теришяпти ва кунлик нормаларини ошириб адо этишяпти. Суратда: чевар теримчилардан Т. Юнусова ва Ч. Ҳожиевалар.

А. Тўраев фотоси.

Илғор чорвадорлар иш тажрибасидан

МОЛИ ТЎҚНИНГ — КЎНГЛИ ТЎҚ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқи биз чорвадорларни ҳам тўлқинлантириб юборди. Унда мамлакат чорвасининг тараққиёт йўли очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилди. «Биз бутун мамлакат бўйича 20—25 процент миқдорида келгуси йил учун ортиб қоладиган дағал ва ширали хашак запасларига эга бўлсак, у ҳолда чорвачилик дадил ривожланган бўлиб, биз уни айрим йилларда юз берадиган табиий офатларнинг зарарларидан омон саклаган бўлар эдик», — деган эди Л. И. Брежнев ўз нутқида. Бу сўзларда жуда катта маъно бор. Ҳамма гап уни ўз хўжаликларимизда дадил жорий этишда қолган. Бизда бундай имкониятлар ва резервлар, албатта, бор.

Совхозимиз қоракўлчиликка ихтисослашган бўлиб, унинг ташкил этилганига атиги тўрт йил бўляпти. Чорвамиз асосан Маликчўл ва Ўртачўл яйловларида боқилади. Шундан келиб чиқиб, хўжалигимизга «Маликчўл» совхози деб ном берилган. Ўтган қисқа муддатда коллективимизнинг фидокороне меҳнати ва тадбиркорлиги туфайли чорвамиз сон ва сифат жиҳатдан анча ўсди. Бизнинг яйловлар Конимех райони яйловларига нисбатан бирмунча қашшоқроқ, яшон, ембоп коврак ўсимликлари оз. Шунга қарамасдан чорвамизнинг бош сонини ошириш билан бир қаторда, унинг озуқа-ем базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам талай ишларни амалга оширмоқдамиз. Бу ишлар муваффақиятларимизнинг гарови бўлаётир.

Масалан, шу йилнинг бошида 50 минг қўйимиз бор эди. Унинг ҳар 100 бошидан ўртача 104 тадан қўзи олинди. 11 минг урғочи қўзини ўстиришга қолдирдик. Бу, планда кўзда тутилганидан анча кўп. Съездин Ҳазратов, Тўра Ҳақбердиев, Муродулла Султонов, Салимахон Ҳакимова сингари ишбилармон чўпонларимиз ҳар 100 бош қўйиқдан 125-130 тадан қўзи олишга эришдилар. Улар барча кўрсаткичлар бўйина социалистик мажбуриятларини ошириб адо этишди.

Совхозимиз давлатга қаракўл тери топшириш планини ошириб бажарди. Уларнинг сифати ва сорти юқори бўлгани учун ҳам биз давлатга ҳар бирини 18 сўм ўрнига 22—23 сўмдан сотмоқдамиз. Умуман бу йил хўжалигимиз 30 минг сўм соф фойда олиши кўзда тутиляпти. Бу чорвадорларимизни қувонтиради, албатта.

1976 йилда қўй-эчкилар сонини 52698 бошга етказиш планлаштирилган эди. Ҳозир 54566 бош қўй-эчки мавжуд. Чунки, чорва бош сонини кўпайтириш планини 135 процентга уддалагандик. Шу жумладан, совлиқлар сони пландаги 35723 бош ўрнига 39468 бошга етказилди. Ғўштга топширилаётган қўйнинг тирик вазни 45 килограмм ўрнига 47—48 килограммни ташкил этаётир. Бу янги ташкил этилган хўжалигимиз учун яхши натижадир.

Чорвани қишловдан соғлом ва тўкис олиб чиқиш тадбирлари кўрилмоқда. Совхозда учта озуқа-ем тайёрлаш бригадаси ташкил этилган. Улар мавжуд уч ферма учун қишга етадиган ва қисман ортиб қоладиган даражада озуқа тайёрлайдилар. Донадор озуқа ва ем, витаминли ўт уни тайёрлаш эса марказлаштирилган.

Биз аниқ ҳисоб-китоб бўйича иш тутяпмиз. Ҳар битта қўй бошига 1,5—2 центнердан хашак тайёрлаганда, хўжалигимиз бўйнча 7—7,5 минг тонна дағал хашак жамғариш керак бўлади. Районимиз ташкилотлари совхозимиз чорвси учун 1000 тонна, хўжаликлар эса 2000 тоннадан зиёд дағал хашак жамғариб бериш мажбуриятини олишган.

Бу йил хўжалигимиз кучи билан 800 тонна донадор емозуқа тайёрлашимиз лозим. Донадор озуқа ва витаминли ўт уни тайёрлашга ихтисослаштирилган цехимизнинг қуввати ўтган йилгидан 2 баравар оширилган. Хозирга қадар цех қошида 8000 тоннага яқин дағал хашак тайёрланиб қўйилди. Махсус агрегатлар ёрдамида 400 тонна беда уни ҳозирланди, 600 тонна хашак майдаланди. Дағал хашак жамғарувчи бригада аъзолари чўлнинг Юлдузқоқ, Ўғриқоқ, Дарвозакудук массивларидан қишлик озуқа учун явшон, янток, каррак ва бошқа чўл гиёҳларидан ўриб-йиғишяпти. Улар ихтиёрига 4 та КПП-2, шунча трактор, 8 та прицеп, иккита погрузчик топшириб қўйилган. Улар етказиб берадиган хасхашак нес-нобуд қилинмай майдаланиб, фермаларга, отарларга ташиб қуйиляпти. Озуқа цехида агрегатлар икки сменада ишлатилянти.

Цехни биз келажакда озуқа-ем тайёрлаш заводига айлантирамиз. Заводга пойдевор қўйяпмиз. Уни кечи билан 1977 йилда ишга тушириш ниятидамиз.

Чўлдан 500 гектар ер очиб, суғориладиган зона ташкил этганмиз. Бунинг 250 гектарида беда, 40 гектарида маккажўхори, 80 гектарида ембоп бошоқли экин, қолган майдонларда совхоз ишчи-хизматчилари учун сабзавот ва полиз экинлари эккандик. Улардан мўл ҳосил етиштирилди. Келгусида Аму — Бухоро машина канали ўтган чўл зонаси бўйлаб ер ўзлаштиришни янада кучайтирамиз. Агар бу йил 60 гектар ер очилган бўлса, келгуси йил 100 гектар ер очиб, беда ва маккажўхори экмоқчимиз. Тандирча массивида боғ-роғлар барпо этиш ниятидамиз. Буларнинг ҳаммаси чорвамиз озуқа-ем базасини янада мустаҳкамлаш, унинг бош сонини кўпайтириш, чорва маҳсулдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш имконини беради.

Хўжалигимиз областда йирик ва истиқболли порлоқ қоракўлчилик совхозларидан биридир. Учта фермамизда 84 та отар бор. Ҳар бир отар 2-3 тадан чўпон-чўлик билан таъминланган. Барча отарларда қишловга тайёргарлик барвакт бошлаб юборилди. Янгидан 18 та ёлик қошар-кўралар, ҳар кўра ёнида эса чўпонлар учун шинам уйлар қуриб берилди. 30 тадан зиёд эски кўралар эса капитал ва жорий ремонтдан чиқарилди, янги охурлар, сув новлари ўрнатилди. Қишда қўйларга озуқа тайёрлаб бериш мақсадида эса 100 дан зиёд ёғоч яшиклар ясаб, фермалар ихтиёрига топширилди. Совхоз комсомол комитети секретари Ғадой Эшбеков бошлиқ 27 нафар қурувчилардан ташкил топган қурилиш бригадаси барча ферма ва кошарларни сифатли ремонтдан чиқаришяпти. Совхоз маъмурияти қурилиш ва ремонт ишларига қарийб 60 минг сўм маблағ ажратди.

Чўпонларимиз иссиқ уй-жой, кийим-кечаклар билан ҳозирнинг ўзидаёқ тўла таъминлаб қўйилянти. Ҳозир 2 та ферма маркази тўла электрлаштирилди. Тағин биттасига электр линияси тортилянти. Қолган ферма ва кошарлар кўчма муваққат электромоторлардан баҳраманд бўлиб туришибди. Барча фермалар билан совхоз маркази ўртасида доимий радио алоқаси ишлаб турибди.

Бу йил тажриба тариқасида 2000 та совлиқни ҳар йилгидан қарийб бир ой илгари қочирдик. Келгуси йилдан эса барча совлиқларни барвакт қочиришга ўтамиз. Бу жуда катта аҳамиятга эга. Биринчидан, совлиқлар эрта қўзилайди, қисир қўйлар қолмайди, иккинчидан, қўзилар соғлом ва дуркун ўсади, қоракўл терилар сифати яхшиланади, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилмайди.

Ҳа, чорвачилик — шарафли касб. Эл-юртга армуғон этилаётган бўрдоқи гўштлар, жаҳон бозорида машҳур бўлган камалакдек сержило қоракўл терилар ва сут маҳсулотларида унинг қўли, пешана тери бор. Озуқа мўл-кўллиги — чорва маҳсулдорлиги дегани. Буларга амал қилган ҳар бир чорвадор қишловга пухта тайёргарлик билан бориши лозим. Учинчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Исоқхон ХОЛИҚОВ,
Қизилтепа районидаги «Маликчўл» қоракўлчилик совхозининг директори.

Муҳаммад НАЗАРОВ,
совхоз партия ташкилотининг секретари.

Зайниддин ТОҒАЕВ,
донадор озуқа ва витаминли ўт уни тайёрлаш цехининг мудири.

АХБОРОТ

НАМАНГАН

ДАЛАДА МАИШИЙ ХИЗМАТ

Шу кунларда Норин районий йўлларида «маиший хизмат кўрсатиш комбинати» деб ёзилган автомашиналари кўп учратиш мумкин. Комбинат маъмурияти йиғим-терим даврида пахтакорларга хизмат кўрсатиш юзасидан бир қанча тадбирлар белгилаган. Жумладан, 12 та кўчма бригада ташкил этилиб, улар бевосита дала шийпонларида «оқ олтин» ижодкорларига маиший хизмат кўрсатмоқдалар. Кўчма бригадаларга сартарошлар, фотографлар, пойафзал ва устки кийимлар ремонти билан шуғулланувчилар бириктирилган. Шунингдек, кийим-кечаклар кимёвий йўл билан тозалашга қабул қилинмоқда.

ҚУЛАЙ КОНТЕЙНЕРЛАР

«Узглавмеханизация» республика бирлашмасининг Намангандаги механизациялаштириш ва автоматлаштириш заводи коллективи янги турдаги маҳсулот—томатни юклов чи контейнерлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Янги хил контейнерга бир йўла 3,5 тонна маҳсулот сиғади. Маҳсулот бузилмасдан сақланиши учун қатор афзалликларга эга. Ҳозиргача 300 дан ортиқ ана шундай турдаги контейнер тайёрланди. Корхонада узум юклашга мослаштирилган контейнер ишлаб чиқаришга ҳам киришилди.

ҲИСОБДОНЛАР ЮБИЛЕЙИ

СССР Марказий статистика бошқармаси ва унинг жойлардаги ўқув юртлари ўзининг олтин юбилейини нишонламоқда. Чунончи, Наманган ҳисобчилик-бухгалтерия мактаби ўқитувчи ва ўқувчилар коллективи ҳам ана шу муҳим санани нишонламоқда. Областдаги кекса билим масканларидан бўлган мазкур ўқув юрти колхоз ва совхозларни малакали ҳисоб-китоб мутахассислари билан таъминлашда катта роль ўйнади. Мактаб ўз фаолиятини бошлаган 1944 йилдан бери уни олти мингдан ортиқ киши битириб чиқди. Улар орасида ҳозирда бутун мамлакатимизга машҳур бўлган донгдорлардан, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Поп районидаги Ленин номли совхоз директори Аҳмаджон Одилов, область статистика бошқармасининг бошлиғи Исмоил Акбаралиев, «Учқўрғон» совхозининг директори Ёқубжон Каримовлар бор.

О. ЖУМАНАЗАРОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Совет турмуш тарзи

ШОИРНИНГ ОТАСИ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати шоир Нормурод Нарзуллаев сўзбошиси билан чоп этилган «Орзу» шеърий китоби яқиндаги Жиззах сафаримизда ногоҳон қўлимизга тушиб қолди. Китоб — жангчи шоир хотираси учун ажойиб ёдгорлик бўлганини ким ҳам рад эта олади. Уни кўришга улгурмаган китобчаси бугун жангчи шоирнинг ҳаёт дўстлари, авлодлари ва минг-минг шеър мухлислари қўлида. Шоир орзиқиб кутган бахт ҳам балки шундадир...

Қодиржон Имомов шеъриятга кўнгил қўйганида жуда ёш эди. Унинг дастлабки шеърлари чоп этилганида бўлажак шоир Жиззахдаги педагогика билим юрти қучоғида таълим оларди. Кейинчалик Ўзбекистон Давлат Университети (ҳозирги СамДУ)нинг филология факультетига ўқишга кириб, уни 23 ёшида имтиёзли диплом билан тугаллайди. Университетда адабиёт фанидан дарс бера бошлади. Кейинроқ, Самарқанд область партия комитетида масъул вазифада ишлади. Қорақалпоғистон АССР ички ишлар халқ комиссарлигида сиёсий бўлим бошлиғи бўлиб хизмат қилди. 25 ёшига қадар Қодиржон Имомов ана шундай сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди. Республика, область газета ва журналларида ўнлаб жўшқин шеърлари, илмий ва сиёсий мақолалари босилди.

Доҳий Ленин, жонажон Коммунистик партия ва улуғ Октябрь ёш шоир Қодиржон Имомов ва унинг яқин дўстлари қалбига, қонига ва руҳига сингиб кетган мавзулар эди. «Октябрни қутлаб»* шеъри бунинг ёрқин мисолидир:

Қалбимда орзу бор-осмонлар қадар,
Қалб тўла алам бор-эзар ғам қадар.
Орзулар пайҳонди, ҳонумон ҳароб,
Қоп-қора ҳаётда яшаш кўп азоб.
Умид қўл чўзаркан талпиниб ҳамон,
Заррача шафқат йўқ, бахтсизлик ёмон.
Сабр-тоқат тугади, жангга дер тилак,
Қўзғалар нафрат-ла исёнкор юрак.
Қоронғилик зулматида бир зиё
Кўринар кўзларга, байроқ, олов-нур,
Қани ҳукминг тарих, қани, юрак, юр.
Қани юр, нур сочди ҳуррият моҳи,
Жангга юр, бизга бош улуғвор доҳий!

Йигирма беш ёшли навқирон шоир Улуғ Ватан урушининг дастлабки йилларидаёқ кўнгиллилар сафида жангга кирди. Она-Ватан ҳимояси учун жангга отланган шоир қалбида орзу ва армонлар мўл эди.

Ленинград остоналаридаги беаёв жангларда шоир Қодиржон Имомов тенгсиз жасорат кўрсатганлиги ҳарбий ҳужжатларда сақланиб қолган. У немис-фашист галалари билан беомон жангда улардан бир нечасини ер тишлатди. Ўзи ҳам оғир жароҳатланди. Шоирни дала госпиталига олиб келдилар. Бу ерда жангчи шоир кўкисига қадалган ўқни операция қилиб олишди. Кундан-кун оғир жароҳат дардлари чекиниб, шоирда яшаш ва янада мардона жанг қилиш орзулари жўш ура бошлади. Қалбда янги кўшиқ туғилар эди:

Юрагимда ҳукмрон армон,
Кутар фақат жанговар фармон.

Шоирнинг госпиталда битган жўшқин шеърларидан бири ана шу мисралар билан бошланди.

Кўкни қора булут қоплаган нурсиз, зулмат кечалардан бирида госпитал устида фашистларнинг айғоқчи самолётлари калхатдек айлана бошлади. Улар дала госпиталининг координатини сезиб қолишган эди. Улар учун кўксидан ўқ еган жангчининг ҳоли, бегуноҳ маъсума гўдакнинг ноласи ю, маъсума оналарнинг фарёди— булар бари нотаниш туйғулар эди. Улар ҳарбий объектларни қандай ўжарлик билан ялосалар, болалар жойлашган бошпаналарни, ярадорлар ётган госпиталларни шундай қайсарлик билан ялар ва ички ҳузур билан яксон қилишарди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Фашист қароқчилари госпитал жойлашган майдонни аёвсиз бомбардимон қилдилар. Бу ерда тиккайган на бир чўп ва на бир зоғ қолди. Минглаб ярадорлар қора тупроқ остига кўмилдилар. Улар орасида умр чечаги эндигина 25 баҳорни кўрган шоирнинг ёниқ кўзларига ҳам бемаҳал, бемавруд, беомон тупроқ қуйилди. Жўшқин қалбли шоирнинг бевақт ўлими ана шундай юз берди.

Шоирнинг отаси Имомқул бобо Ҳошимовнинг ҳаётлиги бизнинг қалбимизга ёлғиз таскин беради. Отанинг тўғриғ фарзанди Қодиржон Имомовнинг «Орзу» тўпламини қўлга теккан ўша кунларда Имомқул бобо ҳузурига йўл олдик. Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхозининг серфайз хонадонларидан бири. Ишкомларда қуёшдан ранг кўчирган ҳусайни узумлар ял-ял товланади. Гулларга бурканган бу ҳовлида марҳум шоирнинг отаси Имомқул бобо истиқомат қилади. Бобонинг шоиртабиатлиги боғ-роғларнинг орасталигидан ҳам сезилиб турибди. Айни пайтда унинг суҳбати ҳам табиати каби латиф ва сермазмун экан. Тўқсон ёшдан ошган бобо шу юртнинг оқсоқолларидан бири. Унинг кўз ўнгида не-не воқеалар кечмади. Ҳаётнинг чархпалаги неча бор турли томонга оғмади, дейсиз. Бобо ҳаммасига тирик шоҳид.

Бироқ унинг қалбида уруш каби оғир жароҳат солган воқеа йўқ. Улуғ ғалабадан буён ўн йиллар ўтибдики, ота учун бу йилларнинг бир кунчалик залвори йўқдай. Ҳамон шоир ўғлидан қора хат олган кунини кечагидек, ҳатто ҳозиргидек ҳис қилади. Уруш ҳақида гап борганда кўзларида ёш кўринмаса ҳам; кипригидан бир томчи нам томмаса ҳам, унинг кўкси ёниб, бағри тутаб турганини қандай сезмаслик мумкин?!

Имомқул бобо Ҳошимовни давримизнинг пири бадавлат кексаларидан десак бўлади. Бобо ўз ҳаёти давида ҳалол меҳнат қилди. Колхозга, қишлоқ Советига етакчилик қилиб одамларнинг қалбига йўл топа билди. Элга қилган ҳалол хизмати ўзининг кексаликдаги пири-бадавлат тақдирида акс этган дейиш мумкин. Бугунги кунда Имомқул бобонинг етти фарзанди ҳаёт қучоғида, жўшқин меҳнат билан банд. Жўрақул Имомов — Жиззах районидаги Энгельс номли колхоз раиси. Бунга қадар Ҳамид Олимжон номли колхознинг раиси сифатида узоқ йиллар актив фаолият кўрсатди. Бобоқул Имомов — шу райондаги Нариманов номли мактабда директор ўринбосари. Суннат Имомов — Жиззах область санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи, Мусурмонқул Имомов — совет савдоси ходими. Икки қизи ҳам ували-жували. Имомқул бобо ҳар доим неваралар оғушида, фарзандлар иззатида, элнинг назарида.

Имомқул бобо кўп китобларни ўқиган, лекин бир китобчани ёд билади. Бу шоир ўғли Қодиржоннинг «Орзу» китобчаси. Бевақт ажал шоирни буюк орзулардан маҳрум этганди. У ҳаёт бўлса ҳозир олтмиш довоннинг арафасида бўларди... Шоир орзу қилган ҳуррам кунлар, зафарли онлар келди. Бу зафар нашидасидан унинг дўстлари, авлодлари ва барча замондошлари баҳраманд. Имомқул бобо қалбига ҳам ана шу малҳам таскин беради. У Қодиржоннинг шеърларини пичирлайди. Туну кун ўша шеърлар руҳи билан, ўша қалбнинг юки билан яшайди. Шоир бўлмоқ балки жуда қийиндир, бироқ шоирнинг отаси бўлмоқлик ундан ҳам қийинроқ кўринади...

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ.

Суратда: марҳум жангчи-шоир Қодиржон ИМОМОВ.

ҚАЙНАР ҚАЛБ ҚЎШИҚЛАРИ

ТАҚРИЗ

Қорақалпоқ халқининг забардаст шоири, таниқли санъаткор Ибройим Юсупов бир шеърида ҳам ўзига, ҳам замондошига қарата: «Ўзинг бўлоқ бўлиб оқсанг, Кўнгил кўнгилдан сув ичар», деб айтади.

Ибройим Юсупов ўзини ва одамларни булоқ бўлишга даъват этибгина қолмайди, у даъватга том амал қилади. Шунинг учун ҳам, унинг ҳар бир шеърида одамнинг руҳий эҳтиёжига керакли бир гап, инсоний кечинма, маънавий етук бир қараш бўлади.

Унинг шеърининг маъзи бут ва ранги тўқ, у қадимий тупроқнинг сара ва содда кўшиқлари, халқ юрагида етилган ҳикмат, узоқ тарихнинг теран излари, бугунги ҳаётнинг пафоси ва мазмунини ўзига сингдириб олган.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий урф-одатлари, кийими, кийим кийишга қараши бўлади. Лекин биз кўпинча кийимни кийиб кетаверамизу, у дўппими, қалпоқми, ортиқча маъно бериб ўтирмаймиз. Бироқ шоирларнинг шуури синчков, кўзлари ўткир бўлади. Ибройим Юсуповнинг «Қора қалпоқ» деган шеъри бор. Халқнинг одатий кийим боши ҳақида, тўғриғоғи, шу кийимдан тўғилган фикрлари кўз, ақл, идрок ўрганиш бўлиб қолган йўлдан кетмай жуда маъноли, жонли бир издан ривожланади. Шеър бошланишида қалпоқ шоир ёдига узоқ ўтмишни, боболар хокини, ўтмишда халқнинг аянчли аҳволини, озодлик учун курашларни солади. Она юрт учун жангда оғир яралар бўлган бобо фарзандига «Шир ялангоч қолсанг ҳамки, Бек бўл, бола, қалпоғингга», деб васият қилади.

Қорақалпоқ шундан бошлаб
Қалпоқ билан тўғилибди.
Замонларни ортга ташлаб,
Қалпоқ ечмай юғурибди, —

деб ёзади шоир. Шундан бошлаб, бу халқ бошига қандай кулфатлар ёғилмасин, хонлар зулмидан қанча жафолар чекмасин, қалпоғини ечмади, яъни доим йўлга, курашга сафарбар турди. Лекин шоир фикрларининг энг мароқлиси, қайноғи шеърнинг якунида маълум бўлади. «Битта жойда қорақалпоқ бу урфини қилган абас. Мавзолейга киргани чоқ кўлга олган қалпоғин даст», деб шоир кутилмаган порлоқ бир ечимга келади ва шеърни мазмундор қуюқ сатрлар билан тугатади:

Чунки Ленин бу қалпоққа
Катта ҳурмат этган эди.
Ўтов тикиб қорақалпоққа
Толе бериб кетган эди.

Шоирнинг «Нораста» деган шеъри одамни титратиб юборади. Шеър кутилмаган мисрадан бошланади ва киши диққатини дарҳол ўзига жалб қилиб олади: «Нораста, бу — одамнинг энг улкани», деб бошлайди шоир ва сатр сайин бир-биридан маъноли ҳаёл, ўйлари билан ўртоқлашгани тушади. Айниқса:

Улуғ келажак-чун ишга,
курашга,
Тили чиқмаса-да у ўргатади.
У пойдир, эгадир қудратли
кучга,
Дунёга қуролсиз ҳукм
этади,—

деган бандга келиб, фикрнинг ҳаракати кучаяди, маъно чуқурлашади, шоирнинг ўз фикридан, фикри қуйилиб келаётганидан, ёзаётган сўзидан, нимага, нима учун ёзаётганидан завқланаётгани, тобора қатиқроқ ҳаяжонга тушаётгани шундоқ кўриниб туради. Зотан, «талпинган ёш норастага қарасам, Умрга менга қиздай ошик бўламан», деб ортиқ тўлқинланиб сўйлайди. Шунда шоирнинг ижловчан идроки кутилмаган бир саволга тўқнаш келади-да, ўртага ташлайди: «Одамларнинг бари ҳам чиндан бола бўлганмикин?» Шоир, фақат яхши, оқ кўнгил одамлар бола бўлган; қалби қора, ҳаёли кир, ёвуз кишилар ҳеч қачон бола бўлган эмаслар, улар бола бўлганмиз, десалар, бу ёлғон, деб ҳайқиради. Шу кучли фикрни шоир ялангоч қолдирмайди, катта бир гап айтаркан, қуруқ даъво билан қониқмай, катта гапга яраша катта далил келтиради:

Агар улар чиндан бола
бўлганда,
Юрарди Сонгмида болалар
ўлмай.
Минг-минг бола ботинкалари
унда
Освенцимда ётмас эди
кийилмай...

Ибройим Юсуповнинг нозик ҳаёл, юксак инсоний туйғулар, олижаноб гражданлик нафаси билан яратилган шеърлари битта-иккита эмас, балки ўнлаб китобларининг тўлиқ мундарижасини ташкил этади.

Шоирнинг биринчи «Ватан» деган шеъри «Қизил Қорақалпоғистон» газетасида босилганига, мана, роппа-роса ўттиз йил бўлди. Бу пайт ичида шоирнинг қорақалпоқ тилида, бошқа қардош халқлар тилларида ўнлаб китоблари нашр этилди. У «Актриса тақдири», «Гиламдўз ҳақида кисса», «Чўл ҳаёллари» деган достонлари учун Бердақ мукофотига сазовор бўлди.

У ўзбек китобхонларининг ҳам севимли шоири. Унинг ўзбек тилида нашр этилган уч китоби ва, айниқса, «Чўл тўғғайи» деб аталган сара тўпламми ўқувчиларнинг муҳаббатини қозонди.

Ибройим Юсуповнинг номи ҳам, шеърлари ҳам Иттифоқ миқёсида яхши таниқлган. Яқинда Москвада машҳур «Совет шоирлари кутубхонаси» серияси Ибройим Юсуповнинг шеърлари босилиб чиқди. Шоирнинг ушбу китобидан машҳур «Қора қалпоқ», «Тоғзор соҳил хотиралари», «Нораста», «Асаблар», «Суфитўғайнинг ўлими», «Саксовул», «Шўрча», «Шуҳрат аравасиз» сингари ёлқинли, серўй шеърлари, тарихий «Тўмарис» достони ўрин олган. Шеърларни қардош халқлар адабиёти намуналарини Иттифоқ миқёсида олиб чиқишга улкан ҳисса қўшган Р. Казакова, Н. Ушаков, М. Луконин, О. Шестинский, О. Дмитриев, С. Севеоцев, В. Савельев сингари йирик шоир ва таржимонлар оригинал руҳини сақлаб таржима қилганлар.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

БЕРЛИН. ГДР корхоналари рационализация тадбирларини амалга ошира бориб, материалнинг хоссалари тўғрисидаги маълумотларни тўпловчи Дрезендаги марказга тобора кўпроқ ёрдам сўраб мурожаат қилмоқда. Бу марказ тўрт минг хил материал бўйича, биринчи навбатда металл ва пластмассалар бўйича 450 минг хил маълумот бера олади. Шу маълумотларнинг ҳаммаси кучли электрон ҳисоб лаш машинасининг «миясида» сақланади.

Конструкторлар ҳисобдон машинанинг жавобига қараб янги маҳсулот учун ёки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини ошириш учун энг мақбул составдаги материални топадилар. Шундай қилиб, марказ мамлакат корхоналарида ишлаб чиқаришни рационализация этишда актив қатнашиб, халқ хўжалигини интенсивлаш учун курашга ҳисса қўшяпти.

БУДАПЕШТ. Венгриянинг Эгар шаҳрида пластмассадан дераза роми ишлаб чиқарадиган республикада биринчи завод қуриляпти. Шу йилнинг охиригача заводнинг йилига 15 минг дераза роми ишлаб чиқарадиган биринчи навбати фойдаланишга топширилади. 1980 йилгача заводнинг қуввати икки баравардан знёд ошади. Мутахассисларнинг айтишларича пластмассадан ром ишлаб чиқариш анча тежамли ҳамда ёғоч ромга нисбатан кўпга чидайди.

СОФИЯ. Ботевград қишлоқ хўжалик машинасозлиги экспериментал базасининг коллективи тоғли шароитларда ишлашга мослаштирилган «Мургаш» трактори ясади. Машина қияма майдонларда турғун ишлайди, яхши маневр қила олади. Бу тракторни ўнта ўрнатма қурол билан ишлатиш мумкин.

Янги трактор 1976 йилги Пловдив Халқаро ярмаркасида олтин медалга сазовор бўлди. У Болгария корхоналарида кўплаб ишлаб чиқарила бошланди.

(ТАСС).

ҲАР ТЎҒРИДА

ЧАҚНАЙДИГАН ЮЛДУЗЛАР

ЕРЕВАН. Бэракан астрофизика обсерваториясида бўлиб ўтган қизғин илмий муноза ранларидан бири қуёшдаги чақнашлар билан чақнайдиган юлдузлар ўртасида нўпгина муштаракликлар бор, деган хулосага келинди. «Чақнайдиган юлдузлар» мавзуидаги халқаро симпозиум социалистик мамлакатлар, Аргентина, АҚШ, Франция, Финляндия ва Швеция етакчи олимларини астрофизикларнинг шу шаҳарчасига йиғди.

Бэракан — юлдузлар тўғрисидаги фаннинг жаҳонда мўътабар пойтахтидир. 20 йил ичида бу ерда юлдуз тўпламларининг табиати тўғрисида, коинотнинг улкан «энергетика» ўчоқлари» қандай яшаш ва сўниш тўғрисида нўпдан-кўп нузатиш маълумотлари йиғилди. Симпозиум қатнашчилари арман астрофизикларининг яна бир назариясига қўшилдилар. Бу назарияга кўра чақнайдиган юлдузларнинг ҳаммасини ҳам ёш деб бўлмайди. Холбуки илгари улар ёппасига ёш юлдузлар қаторига киритиб қўйилганди. Шуларнинг баъзилари қуёш пайдо бўлган даврдан бери мавжуд. Турли мамлакатларнинг олимлари юлдуз жисмлари, кучли магнит майдонлари юлдуз ва қуёш юзидаги шу чақнашларнинг «дирижёрдир» деган битта фикрга келдилар.

ТАСС мухбири.

Тошкентдаги Шастри номли 24-мактабда болалар ҳинд тилидан сабоқ оладилар. Ўқувчилар ҳиндистонлик болалар билан ўзаро ёзишиб турадилар. Чет тилини ўрганишда махсус лингофон қурилмалари жуда қўл келмоқда. Ёшлар бу қурилма ёрдамида ҳиндча қўшиқларни ҳам ўрганишади. Суратда: Ўқитувчи С. Расулова лингофон ёрдамида машғулот ўтказмоқда.

Ш. Иброҳимов фотоси (ЎзТАГ).

ШУНДАЙ ҲОДИСА ҲАМ БЎЛГАНДИ

ҚАРҒАНИ ҚАНДАЙ ҚУТҚАРИШДИ

Волга бўйидаги Яшил орол ча яқинида чайкалар балиқ овлашарди. Уларга ҳаваси келган бир қарға осмондан ўқдек отилиб тушиб, ўзини балиққа урди, аммо қуш тўлқин гирдобига тушиб, чўка— бошлади. Шу пайт чайкалар ишга тушиб кетишди. Улар омадсиз «овчи»нинг ҳар тарафидан ўраб олиб, чўкишига йўл қўйишмади. Ниҳоят қарға ўзига келиб, осмонга парвоз қилди.

Область газетаси «Коммунист»да босилиб чиққан бу ҳодисани Саратов университетининг доценти Л. Лебедев қуйидагича изоҳлаб берди:

— Бу ҳодисани қушнинг ақли билан изоҳлаш мумкинми? Албатта, мумкин эмас. Ҳайвонот дунёсининг турли-туман вакиллари бундай ҳолда кўркўрона инстинктга амал қилиб, онгсиз равишда шундай йўл тутишади. Сувда кўпинча бир-бирига ёрдам беришга одатланган чайкалар ҳам бу ўринда шундай қилишган. Чамаси, улар қарғани ўз «қавм»ларидан деб ўйлашган бўлса керак.

М. ОВЧАРОВ, («Известия» газетасидан).

«ТАРИХ ВА МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

АВЛОДЛАР МЕРОСИ

Кейинги йилларда ёдгорликларни муҳофаза қилиш, уларни қайта тиклаш ишларига эътибор янада кучайди. Республикамиздаги музей-шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги бебаҳо ёдгорликларни қайта тиклаш ишларини яхшилаш мақсадида партия ва ҳукуматимиз бир қатор қарорлар қабул қилди.

Шу йил Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасининг кенг халқ муҳокамасига ҳавола этилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳаёт шуни кўрсатадики, ёдгорликларни сақлаш ишига кенг халқ оммасини жалб қилмасдан туриб, барча ёдгорликларни сақлаб қолиш анча мушкул ишдир.

Республика ёдгорликларни сақлаш жамиятида Бухоро ва Хивадаги ёдгорликларни қайта тиклаш ишларини ва археология, архитектура ва санъат ҳамда ёшлар секциялари мунтазам ишлаб турибди. Секция аъзолари — олимлар, архитектор ва археологлар, тарихшунослар ёдгорликларни аниқлаш, уларни муҳофаза қилиш ва пропаганда ишига ўзларининг жуда катта ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ўтган беш йил ичида жамият аъзолари катта ишларни амалга оширдилар. 26 та ёдгорлик қайта тикланди. Бунинг учун эса жамият томонидан 1,5 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Бизнингча «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг 13- моддасига **«турли ташкилотларнинг тарих ва маданият ёдгорликларидан фойдаланишдан тушган маблағлар ёдгорликларни муҳофаза этаётган органларнинг махсус счётларига ўтказилади»,** — деб аниқ қилиб ёзиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қ. ҲИКМАТОВА,
Узбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти инспектори.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/Х да **Золушка**, 22/Х да **Травната.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЁШ ГВАРДИЯ ДРАМА ТЕАТРИДА— 21/Х да **Беш кунлик куёв**, 22/Х да **Фақат аҳд сотилмайди** (19.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО** раҳбарлигида йирик иллюзион ревю гастроллари (19.30).

Кино

Робин Гуднинг намон ёйлари — «ҚОЗОҒИСТОН», «КУКЧА», «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), С. РАҲИМОВ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ (жуфт соатларда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Трин-трава — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Раиснинг ўғли — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

●

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

21/Х да — **ЗОЛУШКА.**
22/Х да — **ТРАВНАТА.**
23/Х да — **ФЛОРИЯ ТОСКА.**
24/Х да — **СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ** (кундузи), **ИСПАН МИНИАТЮРАЛАРИ** (кечқурун).
26/Х да — **ДИЛОРОМ.**
27/Х да — **ЧИО-ЧИО-САН.**
28/Х да — **ЖИЗЕЛЬ.**
30/Х да — **КНЯЗЬ ИГОРЬ.**
31/Х да — **ЗОЛУШКА** (кундузи), **ИСПАН МИНИАТЮРАЛАРИ** (кечқурун).

Билетлар сотилмоқда.

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

23, 24 октябрь соат 16.00 да М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон АССР халқ артисти ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА, ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА

Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ДИЛБАР ФАЁЗОВА

Солистлар: Дадахон ҲАСАНОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Ғуломжон ЕҚУБОВ, Ҳавасхон ИСКАНДАРОВА, Назира ШЕРАЛИЕВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА;

Интермедияларда: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ; ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани Уткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

●

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

23, 24 октябрь соат 19.30 да

«УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР ДАВРАСИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, ҚҚАССР халқ артисти ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ойхон ЕҚУБОВА, Абдулҳамид СУЛТОНОВ, Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Дилором ҚАЮМОВА, Роза КАКУРИЕВА, Моҳичеҳра НУРМУҲАМЕДОВА, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Алфия ШОКИРОВА, Ғуломжон ЕҚУБОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ (интермедия), Абдуфаттоҳ САИДОВ (интермедия).

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом Тожиаълоев олиб боради.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг

ТОШКЕНТ РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

ТУГАТИЛДИ

Ҳамма даъволар 1 ноябргача қабул қилинади.

ОБ-ҲАВО

Бугун республика областларида ҳаво нам булутли бўлади. Жойларда ҳавога булут нўтарилса ҳам ёғингарчилик кутилмайди. Секундига 3-7 метр тезликда беқарор шамол эсади. Кечаси 0-5, Қорақалпоғистон АССРда 4-9 даража совуқ бўлади. Кундузи ҳарорат 5-10 даражадан ошмайди.

Тошкентда ҳаво нам булутли бўлиб, кечаси 4-6, нундузи 9-11 даража атрофида иссиқ бўлади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— Горнчилар, қаердасиз? 11.15 — Б. Нушич. «Фалсафа фанлари доктори» (телеспектакль). 12.40 — Инсон ва қонун. 15.00 — Москва — Владивосток (ҳужжатли фильм. 7—8-сериялар). 15.55 — Оламга саёҳат. 16.20 — Ҳужжатли фильм. 17.00 — Шахмат мактаби. 17.30 — Концерт. 18.00 — Галла ҳақида сўз. 18.15 — Қувноқ стартлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 19.20 —Миллионлар ленинча университети. 19.50 — Концерт. 20.15 — «Жасорат». 20.45 — Тўртинчи қайлиқ (бадиий фильм). 22.00— «Вақт». 22.30 — Театр ҳақида ҳикоялар. 23.35 — Ҳужжатли фильм.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильмлар. 12.30 — География. 18.30 — Биз — 70-йиллар комсомоллари. 19.00 — Мусобақа, тажриба, ташаббус. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — В. Медведев. «Баҳс» (телетеатр). 21.00 — «Ахборот». 21.20 — Ёзувчи С. Михалков билан учрашув. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 Ноз-неъмат бунёдкори. 22.50 — Марду майдон (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 —Болалар учун фильм 19.25 — Немис тили. 19.55 — Телефильм. 20.10 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Телетомошабинларнинг хатлари асосида кўрсатув. 21.25 — Физика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.30 — Бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг концерти. 11.15 — Аҳолига граждан мудофаси ҳақида. 11.30 — Республика композиторларининг романслари. 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Илғор сут согувчи Фарида Аъзамова». Радиочерк. 13.30 — «Далада ишлаётганлар, сизлар учун». Концерт. 14.00 — Механизатор — қишлоқда асосий фигура. 19.20 —«Ёшлик» радиостанциясининг «Жасорат» программаси. 20.20 — Москва. **«Узбекистон ССРда РСФСР адабиёти ва санъати кунлари».** Якунловчи концерт. 22.00 — «Дала меҳнаткашлари, сизлар учун». Концерт. 22.30— Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида. 22.40 — Замондошларимиз. Ш. Қосимов. «Тоғлар беги» — радиоочерк. 23.15 — Мақом кечаси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитети Сурхондарё область нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси бошқармасининг бошлиғи

Нормўмин Саидмуродович САИДМУРОДОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг онда аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти; № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 20253. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 247.